БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 77 (568)

18 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 86 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА. Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида маккажўхорининг гибрид уруғлари ва оқжўхорининг сортли уруғларини экишга ўтиш тадбирлари тўғрисида (1-нчи бет).

МУҲОКАМА ТАРИҚАСИДА: **В. Ресслер.** — Қишлоқда қурилиш ишларини янада ривожлантирайлик (2-нчи бет).

ОЛТИНЧИ БЕШИЙЛЛИКНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ: **И. Сулаймонов, М. Яҳ'ёев.** — Пўлат эритучилар (2-нчи бет).

Барча колхоз ва совхозларда чигит экишни юқори сифатли ўтказиш учун курашайлик! (3-нчи бет).

Польша меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 86 йиллигини тантанали равишда нишонлашга ҳозирланмоқдалар (4-нчи бет).

Болгария Халқ Мажлисининг фавқулодда сессияси (4-нчи бет).

«Бутун дун'ё учун жуда катта аҳамияти бўлган воқиа». Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг сафари тўғрисида инглиз матбуотининг ёзганлари (4-нчи бет).

Қишлоқларимиз янада обод ва кўркам бўлсин

Совет ҳокимияти йилларида қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигининг социалистик асосда қайта қурилиши, коллектив хўжаликнинг бениҳоя афзаллиги туфайли колхоз қишлоғи обод ва кўркам бўлиб қолди. Қишлоқ жойларда — хомаш'ё базасида янгидан барпо этилган саноат марказлари, кўп қаватли бинолар қад кўтарган социалистик шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва бу жойлардаги маданий ҳаёт қишлоқ аҳолисининг турмушига жуда катта ижобий та'сир кўрсатди ва кўрсатмоқда. Қишлоқ блан шаҳар ўртасидаги тафовут аста-секин йўқолиб бормоқда.

Коммунистик партиянинг колхозларни мустаҳкамлаш соҳасидаги доно сиёсатининг тўғри амалга оширилаётганлиги натижасида ишлабчиқаришни ривожлантириш, колхозларнинг жамоат хўжалигини юксалтириш базасида уй-жой ва маданий муассасалар қурилиши тобора кенгайиб бормоқда.

Областимизнинг Бекобод, Паркент, Верхне-волинск каби районларида кўпгина коммунал хўжалик об'ектлари битказилиб, фойдаланишга берилди. Бу районларда электростанция, водопровод тармоқлари, ҳаммом ва уй-жой бинолари барпо этилди. Хевос ва Янгийўл районларида шағал ётқизилган янги йўллар қурилди.

Совет ҳукумати ободончилик ва уй-жой қурилиши учун йилдан-йилга кўпроқ маблағ ажратмоқда. Бу йил область, шаҳар ва қишлоқ коммунал хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида 1955 йилга нисбатан 15 процент кўпроқ, я'ни 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу маблағнинг анча қисми уй-жой биноларини ремонт қилиш, йўллар, тротуарлар қуриш, кўчаларга дарахт ўтқазиш ва гулзорлар барпо қилиш учун сарфланади.

Колхоз қишлогининг экономикасини ривожлантириш ва маданиятини юксалтиришда қишлоқ Советларининг ташкилотчилик роли бениҳоя каттадир. Областимиздаги кўпгина қишлоқ Советлари маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида кейинги йилларда ташкилий-оммавий ишлари анча яхшилайдилар, колхозларнинг хўжалиқ ва маданий ҳаёти блан яқиндан қизиқабошладилар, ишга раҳбарлик қилишда бой тажрибага эга бўлдилар. Қишлоқ Советлари кенг колхозчилар оммасининг ижодий ташаббусига бошчилик қилиб, колхоз қишлогини обод ва кўркам қилишда муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Меҳнаткашлар депутатлари Янгийўл район Ниёзбоши қишлоқ Совети (раиси Ўртоқ Э. Мирзамуротов) ободончилик ишларига катта аҳамият бермоқда. Қишлоқ территориясидаги чиройли бинолларга жойлашган 4 мактаб, 2 кутубхона, 2 ўқувхона, радиоузел, касалхона, аптека, икки клуб, 4 ясли, алоқа бўлими қишлоқ аҳолисига яхши хизмат кўрсатаётир. Бу қишлоқда қурилган тегирмон ва гишт заводи аҳолининг эҳтиёжини та'минлаб туради. Шу қишлоқда кейинги йилларнинг ўзида 60 дан ортиқ маданий-маиший муассасалар қурилди. Кейинги вақтда қурилган ҳаммом, меҳмонхона, медпункт, шунингдек электрлаштирилган молхона ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кенг ва тўғри кўчалар бўйлаб колхозчилар учун қурилган 300 га яқин янги уйлар ва бу уйлар олдига қатор ўтқазилган дарахтлар қишлоқнинг кўркига яна ҳусн кўшиб турипти. Оқшомлари қишлоқ кўчаларини ва барча хонадонларни ильич чироқлари маш'алдек ёритиб туради.

Броқ ҳали кўпгина қишлоқларнинг ташқи қиёфаси ва қишлоқ аҳолисининг анча қисмининг уй-жойи колхозчи деҳқонлар ва қишлоқ ителлигенциясининг моддий фаровонлигидан ва уларнинг маданий эҳтиёжларидан орқада қолиб келмоқда. Ҳали маҳаллий партия ва совет ташкилотлари қишлоқларни обод қилиш — уй-жойлар ҳамда маданий-маиший муассасалар, ишлабчиқариш бинолари қуришга етарли э'тибор бермаётирлар. Жойларда уй-жой қуриш системасиз, кўпинча проектсиз олиб борилмоқда. Кўпчилик колхозларда посёлкалар қуришнинг генерал плани тузилмаган. Ишлабчиқариш, уй-жой ва маданий-маиший биноларнинг типовой проектлари кам жорий қилинмоқда. Биноларнинг кўркам ва мустаҳкам бўлишига етарли э'тибор берилмаётир.

Колхозларни матлубот кооперацияси орқали бинокорлик материаллари блан та'минлаш масалалари жуда қониқарсиз ҳал қилинмоқда.

Областьнинг 16 район марказида ҳалига қадар водопровод тармоқлари ўтказилмаган. Янгийўл районини ҳисобга олмаганда областьнинг бирорта районида клиентларнинг талабига жавоб бераоладиган бирорта ҳам тузукроқ меҳмонхона йўқ. Ҳатто Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон каби саноат марказларидаги меҳмонхоналар ҳам туриш учун ноқулай бинолларга жойлашган. Шунингдек, айрим районларда маданий муассасаларнинг бинолари санитария қоидаларига етарли жавоб бермайди.

Бу фактлар областьдаги шаҳар ва қишлоқ коммунал хўжалигининг яхши аҳволда эмаслигини кўрсатади. Ободончилик ишларини ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилган маблағлардан тўғри ва унумли фойдаланиш коммунал хўжалик область ва район бўлимлари ходимларининг фаолиятига боғлиқдир. Лекин бу ташкилот ходимларининг фаолиятсизликлари орқасида уй-жой ва коммунал қурилишлар учун ажратилган маблағлар тўла фойдаланилмай қолаётир.

Ўртасарой районида ўтган йили ҳаммом қурилишига ажратилган маблағнинг фақат 50 процента сарфланди. Шунинг натижасида ҳаммом қурилиши йилдан-йилга сурилиб келмоқда. Бундай аҳволни Юқоричирчиқ, Сирдар'ё ва бошқа районларда ҳам учратиш мумкин.

Вазифа — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг диққат-э'тиборини қишлоқларда қурилиш масалаларига жалб этишдан, қишлоқларни обод қилиш ишларини, колхозларда уй-жой ва маиший эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган бинолар қуриш ишларини кенг суратда авж олдириб юборишдан иборатдир.

Яқинда Москвада қуручи ёшларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари КПСС XX с'езднинг тарихий қарорларида қурилиш индустрияси ёш ходимлари олдига қўйилган муҳим вазифаларни ва олтинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш масалаларини муҳокама қилдилар. Кенгашда бу вазифаларни бажариш учун қурилишларда, қурилиш материаллари саноати, қурилиш ва йўл машинасозлиги корхоналарида ишлаётган комсомолларга, барча йигит ва қизларга, қурилишларнинг ёш архитекторларига, инженер ва техник ходимларига қарата Мурожаат қабул қилинди. Бу Мурожаатда олга сурилган вазифаларни бажаришда областимиздаги қурилиш ва проектлаш ташкилотларининг ёш ходимлари муносиб ҳисса қўшмоқлари лозим.

КПСС XX с'езди қарорларида колхозчиларнинг уй-жой маиший шароитини яхшилаш, қишлоқларда маданий муассасалар қурилишини кенгайтириш масалаларига ҳам катта э'тибор берилди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев с'езда қилган ҳисобот докладида колхозлардаги қурилиш тўғрисида алоҳида тўхталиб, ишлабчиқаришни ривожлантириш манфаатлари доимо биринчи ўринда туриши керaклигини та'кидлаш блан бирга, ишлабчиқаришни ривожлантириш базасида, колхозларнинг жамоат хўжалигини юксалтириш базасида, уй-жой ва маданий ўчоқлар қурилишини кенгайтириб юбориш учун қулай шароит вужудга келтирилади деб кўрсатди. Ҳозирги вақтда бизда хўжалик ишлари соҳасида катта муваффақиятларга эришган ва кўп даромад олаётган неча юзлаб колхозлар бор. Бундай колхозлар даставвал колхоз жамоат қурилишлари, болалар боқчалари, туғруқхоналар, клублар, ҳаммомлар, кекса колхозчилар учун уйлар, нонвойхоналар қурилишини кучайтириб юбориш блан бирга, уй-жойлар қуришда колхозчиларнинг турмуш шароитини яхшилашда ҳам колхозчиларга жиддий ёрдам бераоладилар. Ҳозирги вақтда областимиздаги минглаб колхоз хонадонларининг олаётган даромадлари уларнинг обод, гўзал уйлар қуришларига имконият беради. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, матлубот кооперациялари колхозчиларни бинокорлик материаллари блан та'минлашда, айниқса бинокорлик материалларини ҳарбир жойнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишда колхозчиларга ёрдам беришлари керак.

Колхозларда колхозчиларни жамоат ишлари қолдирмаслик учун колхозчиларга уй қуриб берадиган алоҳида бинокорлик бригадалари ташкил қилиш, имконият бор жойларда район бинокорлик ташкилотлари тузиш лозим. Бу эса биноларнинг индустриал метод блан тез ва арзон қурилишига катта имконият беради.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий ташаббусига бошчилик қилиб, қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркам бўлиши учун барча тадбирларни кўришлари лозим.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Бадиий ҳаваскорлик коллективларида актив қатнашганликлари учун 37 киши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотланди.

Областьда биринчи бўлиб

Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда 17 апрель куни чигит экиш тугалланди. 220 гектар ерга чигит 60х45 схемаси блан экилди. 1160 гектар майдоннинг 50 процентида чигит униб чиқди. Колхозда биринчи бўлиб чигит экишни тугаллаган Исмоил Иноғамов бошлиқ бригаданинг ҳамма ерларида чигит тўла униб чиқди. 18 апрельдан бошлаб қаторлар кўндалангига қирқилиб ғўзалар 50х50 схемасида ўстирилади. Чигит экишда универсалчилардан Э. Дониёров, Р. Нишонбоев, С. Қозоқбоев ўртоқлар айниқса маҳорат кўрсатдилар.

Ҳозир колхозчилар тўла гектар учун курашиб, ўқ ариқларга чигит экаётирлар.

Г. ФАТТОХОВ.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 86 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МОСКВА: В. И. Ленининг Кремльдаги квартираси. Суратда: овқатланиш хонаси.

В. Егоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

* *

ЛЕНИН КУНЛАРИ ОЛДИДАН

Бутун совет халқи сингари Москва меҳнаткашлари ҳам Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Районларда, фабрика ва заводларда, муассасаларда, олий ўқув юртларида ва мактабларда бу шонли кунга бағишланган тантанали йиғилишлар ўтказилади. Йиғилишларда революция қатнашчилари, ишчилар, фан, маданият ва сан'ат арбоблари, партия ва совет ходимлари Владимир Ильич ҳақидаги хотираларини сўзлаб бередилар. Бундай кечаларнинг бири 17 апрельда Марказий лекторийда ўтказилади.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ жамияти Марказий лекторийда бирқанча умумий лекциялар ташкил этади.

В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси катта виставка тайёрламоқда. Бу виставкада Ленин асарларининг турли нашрлари, жумладан ноёб нашрлари қўйилади.

Шу кунларда В. И. Ленин Марказий музейида айниқса кўп киши келиб турибди. Музейнинг бирнеча минг ҳужжат бўлган экспозицияси яна кенгайтирилмоқда. У, Владимир Ильичнинг қўл'ёзмалари ва асарлари блан тўлдирилади. (ТАСС).

* * *

Ўзбекистон пойтахтидаги саноат корхоналари, муассасалар ва ўқув юртларининг коллективлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқдалар.

Агитаторлар ўз суҳбатларини ана шу шонли кунга бағишлаб ўтказмоқдалар. Улар Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида, коммунистик қурилишнинг КПСС XX с'езди томонидан чизиб берилган улуғвор программаси тўғрисида ва бу программада Ленининг ўлмас васиятлари ўз ифодасини топганлиги ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг шаҳар бўлими «Ленин — Коммунистик партиянинг ва Совет давлатининг ташкилотчиси», «Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги — ленинизм идеяларининг ифодасидир», «Ленин коммунизм учун курашда халқнинг ҳал қилучи роли тўғрисида» деган темаларда ва бошқа темаларда лекциялар циклини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР тарих музейида В. И. Ленининг ҳаёт йўлини акс этдиручи ҳужжатлар ва фотографиялар қўйилган. Музейга келучилар Ленин томонидан Ўрта Осиёда халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришга, Ўзбекистонда социалистик қурилишга катта э'тибор берганлигини кўрсатучи материаллар блан танишмоқдалар. Ҳужжатлар орасида — Туркистонда суғориш ишлари учун маблағ чиқариш тўғрисида ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида Ленин имзолаган декретнинг фотокопияси, миллий сиёсатни амалга ошириш масалалари юзасидан Ленининг айрим телеграммалари бор. Катта картинада Ильичнинг Туркистон меҳнаткашлари делегацияси блан учрашуви тасвирланган. (ЎзТАГ).

* * *

Севикли Ватанимизнинг барча кишилари сингари Чирчиқ шаҳрининг меҳнаткашлари ҳам дун'ёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини муносиб равишда кутиб олиш учун барча тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар.

Маданият уйида ташкил қилинган катта фото-монтаж ва китоб витринаси тамошабиндар диққатини ўзига жалб қилмоқда. Китоб витринасида В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?», «Давлат ва революция», «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар» каби асарлари, В. И. Ленининг қисқача биографияси, совет ёзучиларининг улуғ доҳи тўғрисида ёзган бадиий асарлари ва бошқа китоблар қўйилган.

Шу кунларда шаҳардаги барча заводларда, турли муассасаларда, мактаб ва клубларда ҳам улуғ Ленинга бағишланган лекция, доклад ҳамда суҳбатлар ўтказилаётир.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш юзасидан республика кенгаши

Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш юзасидан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан чақирилган республика кенгаши бўлиб ўтди.

Республикада маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Мазурин доклад қилди.

Илғор хўжаликларнинг кўпйиллик тажрибаси шуни исботладики, маккажўхорининг гибрид уруғлари уларни етиштириш учун қилинган харажатларни бемалол қоплайолади. Ўзбекистон шароитида гибрид уруғларнинг экилиши ҳар йили қўшимча равишда юз минглаб центнер дон олиш имкониятини беради. Самарқанд районидаги Карл Маркс номли колхоз ўтган йили гибрид уруғлар экилган ерларнинг ҳар гектаридан 45 центнердан дон ҳосили йиғиб олдики, бу оддий участкалардагидан деярлик икки баравар кўпдир. Мамлакатнинг илғор колхозларида яна ҳам каттароқ натижаларга эришилди.

Ўртоқ Мазурин ҳозирги замондаги мавжуд фан ютуқлари асосида селекция ишида турли усуллар блан етиштирилган маккажўхори гибрид уруғларининг сифатини та'рифлаб берди. Жумладан у гибрид сортлар орасида иккита юқори ҳосилли гибридни чатиштириш йўли блан ҳосил қилинган сортлар энг ҳосилдор эканлигини кўрсатиб Ўзбекистонда районлаштириб экилаётган ВИР—156 ва ВИР—42 гибридлари ана шундай сортлардир, деди.

Докладчи айтдики, СССР Ҳукумати гибрид уруғларини махсус хўжаликларда етиштиришдан иборат энг рационал методни белгилади, бу метод эса илмий ва иқтисодий нуқтаи назардан энг қулай бўлган методдир. Ана шуни э'тиборга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қабул қилдилар. Бу қарор маккажўхори ва оқ жўхори уруғчилигини тубдан яхшилашга қаратилгандир. 1960 йилга бориб республиканинг ҳамма колхозлари ва совхозлари маккажўхорини асосан биринчи бўғин гибрид уруғлари блан ва оқжўхорини сортли уруғлар блан экишга ўтишлари лозим. Ҳар йили маккажўхорининг бу хил уруғларини етиштириш 3.360 тоннагача, оқжўхори уруғи эса 1800 тоннагача етказилиши лозим.

1-нчи «Далварзин», «Оққўрғон» «Кўкорол», «Амудар'ё», «Гулбоғ», «Савай» совхозларида, шунингдек Тошкент область, Қорасув районидаги Жданов номли, Андижон область, Жалақудуқ районидаги Молотов номли, Самарқанд районидаги Карл Маркс номли, Қашқадар'ё область, Чироқчи районидаги «Коммуна», Хоразм область, Хива районидаги Сталин номли колхозларда махсус уруғчилик хўжаликлари ташкил қилинади. Ана шу хўжаликларнинг ҳаммасида уруғчи агроном вазифаси белгилаш тавсия қилинди. Республикада маккажўхори уруғларини экишга тайёрлаб берадиган катта заводлар қурилди.

Шундан кейин кенгаш қатнашчилари гибрид уруғларни етиштириш методикаси ва усули ҳақидаги, маккажўхори ва оқжўхорини етиштириш агротехникасининг асослари ҳақидаги ва бошқа бирқанча масалалар тўғрисидаги докладларни ҳамда қўшимча докладларни тингладилар.

Докладлардан ва қўшимча докладлардан кейин музокаралар бошланди. Нотиқлар республиканинг колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигида ишлаётган барча ходимларга қарата чиқарган Мурожаатини қизғин ма'қуллаб кутиб олганликлари, олтинчи бешйиллик планини қисқароқ муддатларда бажариш учун амалий тадбирлар белгилаганликлари тўғрисида сўзладилар. Музокараларда сўзга чиққанлар эндиликда колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари маккажўхорига катта э'тибор бераётганликларини уқтириб ўтдилар, ўз иш тажрибаларини сўзлаб бердилар. Шу блан бирга, маккажўхори ва оқжўхорини етиштириш ишида камчиликлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районлар	Чигит экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш
Янгийўл	73,5	65,8	17,2
Орджоникидзе	67,5	85,8	15,6
Калинин	61,1	—	38,0
Оққўрғон	61,1	34,4	20,5
Ўртасарой	59,7	19,7	3,2
Юқоричирчиқ	56,4	30,0	10,6
Верхне-волинск	56,0	32,5	8,1
Сирдар'ё	55,1	40,0	27,8
Пискент	53,0	29,9	—
Гулистон	51,4	25,8	15,9
Бўка	47,7	41,0	1,1
Чиноз	47,1	21,1	31,5
Ўртачирчиқ	46,6	27,9	2,7
Бекобод	45,9	26,3	20,0
Боёвут	44,3	41,8	1,3
Мирзачўл	43,2	25,5	10,8
Октябрь	33,8	22,4	7,0
Бўстондиқ	33,7	35,6	13,6
Оҳангарон	13,1	—	16,5

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозлар	Чигит экиш	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Маккажўхори экиш
6-нчи «Кўкорол»	81,6	54,6	1,7
«Ўзбекистон ССР бешйиллиги»	79,2	112,8	32,0
«Оққўрғон»	70,0	54,7	10,2
1-нчи «Далварзин»	68,4	60,0	20,3
«Малик»	67,0	114,3	6,6
1-нчи «Боёвут»	66,9	91,6	21,2
2-нчи «Далварзин»	65,6	141,1	66,0
3-нчи «Боёвут»	65,2	128,7	—
4-нчи «Боёвут»	50,2	27,8	—
Булганин номли	41,0	—	—
Бушуев номли	39,1	—	15,0
«Фарҳод»	28,5	—	—
«Дружба»	25,7	—	—
4-нчи «Вревский»	—	—	—

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида маккажўхорининг гибрид уруғлари ва оқжўхорининг сортли уруғларини экишга ўтиш тадбирлари тўғрисида

Республика колхоз ва совхозлари КПСС МК январь Пленуми қарорларини бажариб, маккажўхори ва оқжўхори экинлари майдонини анча кенгайтирдилар. Маккажўхори ва оқжўхори республикада дон етиштиришни кўпайтириш ҳамда ем-хашак базаси яратишнинг жуда катта резерви ҳисобланади.

Броқ, ана шу экинларнинг уруғчилигини яратиш юзасидан иш олиб борилмаётганлиги ва асосан маккажўхорининг гибрид уруғлари ҳамда оқжўхорининг сортли уруғлари йўқлиги маккажўхори ва оқжўхори етиштиришни янада жўпайтириш йўлидаги жиддий камчиликдир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маккажўхори ва оқжўхори селекциясини ҳамда уруғчилигини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига 1960 йилга бориб, колхоз ва совхозларда маккажўхорининг нуқул биринчи бўғин гибрид уруғларини ҳамда оқжўхорининг маҳаллий сортларидан бўлган сортли уруғларини экишга ўтишни та'минлаш мажбуриятини юкладилар. Шу блан бирга маккажўхорининг биринчи бўғин гибрид уруғлари етиштиришни ҳар йили 3360 тоннага, шу жумладан совхозларда 1230 тоннага ҳамда совхозларда оқжўхорининг сортли уруғларини етиштиришни 1800 тоннага етказиш мажбуриятини юкладилар.

Қуйидаги колхоз ва совхозлар маккажўхорининг гибрид уруғларини ва оқжўхорининг сортли уруғларини етиштиручи уруғчи хўжаликлар қилиб тасдиқланди:

Тошкент область. Бекобод районидаги 1-нчи «Далварзин» совхози — бу совхоз бир сорт ичидаги соф хилларни ва оддий гибрид уруғларни 100—120 гектар ерга экиб, ҳар йили маккажўхорининг соф хилларидан камида 6 минг килограмм, биринчи бўғин оддий гибридлан камида 90 тонна уруғ тайёрлайди;

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози — бу совхоз 150—200 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, ҳар йили маккажўхорининг биринчи бўғиндаги мураккаб гибрид уруғларидан камида 410 тонна етиштиради;

Тошкент область. Бўка районидаги «Кўкорол» совхози — бу совхоз ҳар йили 150—200 гектар ерга маккажўхори экиб, мураккаб гибрид уруғларидан 410 тонна етиштиради;

Андижон область. Қўрғонтепа районидаги «Совой» совхози — бу совхоз ҳар йили 200 гектар ерга маккажўхори экиб, мураккаб гибрид уруғларидан 410 тонна етиштиради;

Қорақалпоғистон АССРдаги «Амудар'ё» совхози — Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областьларидаги колхозларни уруғ блан та'минлаш учун ҳар йили 300—400 гектар ерга оқжўхори экиб, 900—1000 тонна оқжўхорининг сортли уруғларини етиштиради;

Наманган областидаги «Гулбоғ» совхози — Фарғона водиси ва Ўзбекистон ССРнинг бошқа қисмидаги колхозларни оқжўхорининг сортли уруғлари блан та'минлаш учун ҳар йили 250—300 гектар ерга оқжўхори экали ҳамда оқжўхорининг сортли уруғларидан 750—800 тонна етиштиради;

Тошкент область. Қорасув районидаги Жданов номли колхоз — бу колхоз ҳар йили 150—200 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, 410 тонна миқдорида маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиради;

Андижон область. Жалақудуқ районидаги Молотов номли колхоз — бу колхоз ҳар йили 150 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, 380 тонна миқдорида маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиради;

Самарқанд область. Самарқанд районидаги Карл Маркс номли колхоз — бу колхоз ҳар йили 200 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, 430 тонна миқдорида маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиради;

Қашқадар'ё область. Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози — бу колхоз ҳар йили 300 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, 550 тонна миқдорида маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиради;

Хоразм область. Хива районидаги Сталин номли колхоз — бу колхоз ҳар йили 200 гектар ерга гибрид уруғлар экиб, 360 тонна миқдорида маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштиради.

Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш блан шуғулланучи уруғчилик колхозларида ва совхозларида уруғчи агроном лавозими белгилаш жўзда тутилди.

Колхозларга маккажўхорининг оналик ўсимликларидаги чангни олиш ишига тортилган кишиларнинг меҳнатига пул блан, колхозчиларга эса икки баравар миқдорида меҳнат кунлари ёзиш блан ҳақ тўлаш тавсия этилди. Бу ишларга уларни уруғчи агроном қабул қилиб олгандан кейин пул тўланади ва меҳнат кунлари ёзилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Милютин давлат селекция станцияси ҳузурида маккажўхори селекцияси ва уруғчилиги бўлими ташкил этиб, унинг составига 2—3 илмий ходим бериш ҳамда бўлимни зарур миқлорда бошқа ходимлар блан тўлдириш, бўлим зиммасига маккажўхорининг гибрид уруғлари селекцияси ва уруғчилиги блан шуғулланиш вазифасини топшириш мажбуриятини юклади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига Милютин давлат селекция станциясини, маккажўхори ва оқжўхори етиштиручи колхозларга хизмат қилаётган МТС ларни ва совхозларни 1956—1957 йиллар давомида моддий техника воситалари блан та'минлаш ҳамда маккажўхори ва оқжўхори уруғларини сақлаш учун бинолар қуришни жўзда тутиш мажбуриятини юкладилар.

МУҲОКАМА ТАРИҚАСИДА

Қишлоқда қурилиш ишларини янада ривожлантирайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социалистик қишлоқ хўжалигини ҳартомонлама ривожлантиришга жуда катта аҳамият бериб келмоқдалар. Сўнгги йилларда амалга оширилган қатор тадбирларнинг ўзи ҳам бунинг ёрқин далилидир. Бу тадбирларни амалга ошириш туфайли саноатимизнинг ҳомашёга, халқимизнинг дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган талаблари тобора кўпроқ қондирилаётир. Колхозчи ва совхоз ишчиларининг даромадлари борган сари кўпаймоқда, шунинг учун ҳам уларнинг уй-жойларга нисбатан бўлган талаблари тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Бундан ташқари ҳозирги пайтда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан кенг ҳажмда ишлар олиб борилмоқда. Бизнинг областимизда Мирзачўл массиви сингари ўзлаштириладиган жуда катта территориялар бор. Қаҳраман чўллар ўрнида Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ сингари индустриал ва қишлоқ хўжалиги ривожланган шаҳар ҳамда районларни бунёдга келтирган ўзбек халқи янги ерларни ўзлаштириш учун ҳам мардонавор кураш олиб бормоқда.

Лекин қишлоқда қурилиш ишларини олиб боручи ходимлар мавжуд колхоз ва совхозлардаги аҳолининг ҳамда янги ер очиш мақсадида қўриқ ва бўз ерларга чиққан азамат ватанпарварларнинг янги уй-жой биноларига бўлган эҳтиёжларини етарли даражада қондираолмаётирлар. Айниқса, янги об'ектларни ўзлаштиришда қурилиш ишларини жадал метод блан олиб бориш талаб қилинмоқда, чунки мазкур об'ектни тез ишга тушириш кўп жиҳатдан уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини жадаллаштириш сур'атига боғлиқдир. Мана шу талаб ҳисобга олиниб, Сибирь ва Уралда ёғочдан асталан йиғма уйлар ишлаб чиқаручи комбинатлар қурилган. Энг сўнгги техника асосида қурилган ўнлаб бундай корхоналар қурилишни индустриаллаштиришда эришилган жуда катта ютуғимиз бўлди. Бундай комбинатларда ишлаб чиқарилган бир қаватли ва икки қаватли уйларни ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг деярли ҳамма районларида учратиш мумкин. Тошкент, Оҳангарон, Олмалиқ сингари жойларда ҳам улардан кўпи монтаж қилинган. Бундай уйнинг қулайлиги шундаки, уни бирнеча киши оз вақт ичида йиғади — шу блан иморат тайёр!

Йиғма уйларга нисбатан жуда тез ўсиб бораётган талаб қондирилмаётир. Шунинг учун ҳам республикамизда, жумладан областимизда қишлоқ қурилиши ҳамон асосан эски, индивидуал, кустар усулда олиб борилаётир. Бундай уйлар деярли ҳеҳандай механизм ёрдамисиз, нуқул қўл кучи блан қурилади. Шунинг учун қурилиш муддати узайиб кетади, таннархи ғоят қимматга тушади ва бунинг устига сифати ҳам кўнгилдагидек бўлиши қийин. Қайси қишлоққа борманг унда ўнлаб уй-жой, маданий-маиший об'ект биноси қурилаётганини кўрасиз. Уларнинг ҳаммасига юқори малакали бинокор уста етказиб бўладими? Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам қишлоқларда индивидуал тарзда қурилаётган биноларнинг кўпчилиги бирибирига ўхшамайди, кўринишн ва умуман сифати ҳозирги юқори маданиятли қишлоқлар қиёфасига мос келмайди. Сирдар'ё, Мирзачўл каби районларда бундай ҳолни кўпроқ учратиш мумкин.

Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда ва жумладан областимизда маҳаллий қурилиш материалларидан йиғма уйлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш проблемасининг ҳарқачонгидан ҳам актуал бўлиб қолганлигини кўрсатади. Маҳаллий ресурслар асосида ишлайдиган, илғор техника блан ускуналанган иморатсозлик комбинатлари проектини ишлаш ва уни қуришга тезда киришиш чораларини кўриш керак. Бундай комбинатлар дастлабки вақтда унча катта бўлмаган уйлар конструкциясини ясашга киришса мақсадга мувофиқ бўлади. Конструкциялар кўп ишчи кучи жалб этилмасдан малакали усталарсиз осонлик блан йиғиладиган бўлиши лозим. Шундай усулда ишлаб чиқарилган йиғма уйларга талаб жуда тез ўсишига ҳеч шубҳа йўқ. Чунки ихчам, кўркам ва арзон йиғма уйларни фақат янги ерлардагина эмас, балки шу блан бирга эски уйларни алмаштириш учун ҳам кенг қўлланиш қулайдир. Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'езида кўрсатиб ўтилганидек қишлоқларимизда кўркам, маданий уйлар блан бирга алмаштирилиши керак бўлган пасқам бинолар ҳам йўқ эмас.

Демак, иморатсозлик комбинатлари қуриш зарур. Энди гап бундай корхоналарни қаерларга, қандай қилиб, қай хилдаги қурилиш материали асосида ишлайдиган қилиб қуриш ва уни нималар ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тўғрисида бориши керак. Биз бу мақолада шу саволларнинг ҳаммасига жавоб бермоқчи эмасмиз. Чунки бу масалалар кўпчилик мутахассислар томонидан алоҳида муҳокама қилиниши керак бўлган жиддий проблемадир.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу муҳим проблемаларни ҳал қилиш ғоят суст бормоқда. Бу соҳадаги силжиш жуда сезиларсиз бўлмоқда. Биз юқоридаги масалаларнинг ба'зилари юзасидан ўз мулоҳазамизни айтиб ўтмоқчимиз.

Иморатсозлик комбинатини қаерга ва қандай қурилиш материали асосида ишлайдиган қилиб қуриш керак?

Ма'лумки, биз иморатсозлик комбинатларини Урал ва Сибирьдаги сингари нуқул ёғоч-тахта асосида ишлайдиган қилиб қураолмаймиз, чунки ўрмонимиз йўқ, бизда дарахтзорлар оз. Қамиш ўсадиган жойлар эса анчагина бор. Қамишни ма'лум ўринларда дефицит ёғоч ўрнида ишлатиш, умуман бинокорликда кенг қўлланиш мумкин. Шунинг учун қамиш кўп ўсадиган жой яқинида, албатта бошқа зарур шартларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, иморатсозлик комбинатлари қуриш керак.

Қамишдан қандай конструкцияларни қай усулда ишлаб чиқариш масаласига келганда шундай конструкциялар тайёрлаш керакки, уларни қўлланиш қурилиш ишларини ҳозирги замон индустриал методлари асосида олиб боришни та'минласин.

Кўпдан бери ҳаммага ма'лум бўлган ҳамда кенг қўлланилаётган қамиш ва чий плиталар ишлаб чиқариш қай даражада механизациялашган бўлишидан қат'ий назар ҳозирги талабларга тўла жавоб бермай қолди, йиғма уйлар ишлаб чиқаришда уларни қўлланиб бўлмайди. Чунки турли хил размердаги қамиш плитани қўлланиш учун қамишни олдиндан тайёрлашга анчагина ёғоч синч ўрнатиш талаб қилинади. Қамишларни текислаш, қаватлаш, уни синчларга бирлаштириш ва бошқа операцияларнинг ҳаммаси қурилиш участкасининг ўзида, ҳеҳандай механизм воситасисиз бажарилади. Бу усулда тайёрланган плиталар кустар, жуда нари борганда яримкустар методда йиғилади. Шунинг учун индустриал методда йиғиладиган конструкциялар яратиш керак. Қуйида биз шу масала юзасидан ўз таклифимизни мутахассис ўртоқлар муҳокамасига тақдим этамиз.

Йиғма уй ишлаб чиқаришда қўлланиш учун бир вариант сифатида тақдим этилаётган бу асосий конструктив маҳсулотни ёғоч қамиш, панель деб аташ мумкин. У ма'лум размерда текис қирқилган қамишнинг орасига ёғоч ўрнатиб ясалади. Бир квадратметр девор конструкция учун 0,034 кубометр ёғоч керак бўлади. Конструкция бир қаватли уй қуришда ишлатилади ва унинг бўйи бино бўготигача етади. Унинг асосий конструктив принципи шундайки, бир устунга кўндалангига бир жуфт рейка ўрнатилади ва улар орасига қамиш плитаси мустаҳкамланади. Шу блан панель тайёр, уни истаган жойга хоҳлаган транспорт воситаси блан олиб бориш мумкин. Уй биноси йиғилади, усталар кучи блан бирнеча ўн кунлаб қурилмайди, девори ҳам, томи ҳам саноат йўли блан тайёрланган конструкция ва детальлар йиғиндисидан иборат бўлади. Қурилиш участкасида фақат монтаж ишлари олиб борилади, холос.

Бизнинг фикримизча қамиш-ёғоч йиғма уй панельларининг хили унча кўп эмас, улар қуйидаги миқдорда бўлиши мумкин:

бурчак панели;

тайёр дераза ёки кесакиси монтаж қилинган дераза панели;

худди шундай эшик панели;

деворнинг ўрта қисмига ишлатиладиган панель (бу панель бирнеча типдан иборат бўлиши мумкин);

чердак сифатида ишлатиладиган панельлар;

Иморатсозлик комбинатида ишлаб чиқариладиган уй-жой биноси, йиғма цоколь блоклари, девор ва том учун қамиш-ёғоч плиталар, монтаж материаллари каби детальлардан иборат бўлади. Бундай конструкция ва детальлардан йиғиладиган уйлар қуйидаги афзалликларга эга:

Биринчидан, бундай йиғма уйларни индустриал методда кўплаб ишлаб чиқариш мумкин. Уларни йиғиш учун юқори малакали бинокор усталар талаб қилинмайди. Бу эса ҳозирги пайтда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Иккинчидан, йиғма конструкция ва детальлар енгил ва ихчам бўлганлиги учун истаган жойга олиб бориш мумкин, энг катта конструкциянинг бўйи 4 метрдан ошмайди.

Учинчидан, йиғма деталь ва конструкциялардан қуриладиган уй-жой биносининг қиммати РСФСРдан олинадиган йиғма уйларга қараганда ҳам, кустар усулда қурилаётган биноларга нисбатан ҳам анча арзонга тушади.

Бинокорликда индустриал методларни ривожлантириш масаласи ҳарқачонгидан ўткирлашган бир пайтда э'тиборга сазовор ҳарбир таклифни тезда кўриб чиқиш, оперативлик блан ҳал қилиш ва лозим топилса сезилган камчиликларини тузатган ҳолда проект ва иш чертёжларини тайёрлашга ўтиш қишлоқ қурилишини проектлаш ташкилотлари ходимларининг жонажон бурчидир. Областимиздаги қишлоқ қурилишини лойиҳалаш ташкилотлари раҳбарларидан бу таклифни э'тиборга олиб, кўриб чиқишларини ва лозим бўлса бинокорликка жорий этиш чорасини кўришларини кутамиз.

В. РЕССЛЕР,
инженер.



Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институти илмий ходимлари ишлабчиқаришнинг конкрет эҳтиёжларини қондириш масалалари блан жиддий шуғулланмоқдалар. Улар Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводи новаторлари ва рационализаторлари блан мустаҳкам ҳамкорликда ишлаб, катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан институт физика кафедраси завод технологлари ёрдамида радиоактив кобальт воситаси блан металлар дефектини аниқлайдиган дефектоскоп яратди. **Суратда:** институт физика кафедрасининг ассистенти **М. Исмонлов** (чапда) ва илмий ходим **Н. И. Хилько** ўртоқлар янги ҳисоб установкаси ўрнатилган гаммадефектоскоп аппарати воситаси блан металл дефектини аниқламоқдалар.

В. Салов фотоси.

РЕПОРТАЖ

Шу куннинг сур'ати блан

Катта йиғув цехи. Бир участкада сварка қилинса, иккинчи участкада машиналарнинг қисмлари йиғилмоқда. Мастер ўртоқ Л. Арехов бошлиқ участкада машиналарнинг энг сўнгги қисмлари йиғилиб, синаб ҳам кўрилмоқда. Сменада ишлаётган участка контролёри ўртоқ Ф. Гельманова конвейердан ўтиб келаётган машиналарнинг ҳамма резбаларини бирма-бир текшириб чиқаётир. У айрим қисмларни ишлатиб ҳам кўради. Ниҳоят ана шу машиналарнинг бирига 115 рақамини ёзиб, уни рўйхат дафтаридан ўтказди. Гельманова шу хилда бутун смена давомида конвейер участкасида қисмлари йиғилиб жўнатишга тайёрланаётган машиналарнинг сифатини текширади ва уларга номер қўяди, сменада цех бўйича ишлабчиқарилган машиналарнинг ҳисобини олади.

— Смена охиригача яна 13 тасини тайёрлаймиз, — дейди участка мастери ўртоқ Арехов. Бу участкада ишлаётган слесарьлардан И. Коновалов, Г. Филипов, Г. Пученко ўртоқлар Исакин мастерлик қилаётган участка коллективи блан мусобақалашиб смена топшириқларини 1,5—2 ҳиссага етказиб бажараётирлар. Ўртоқ Исакин мастерлик қилаётган участка йиғувчилари ҳам ўз мусобақадошларидан қолишмай сменада ўнта машина йиғиш ўрнига 12 — 13 тага етказиб йиғмоқдалар.

Бундай жўшқин ҳаракат цехдаги барча участкаларда мавж уриб, ҳарбир ишчининг олинган мажбуриятни муваффақиятли бажаришга астойдил ҳаракат қилаётгани сезилиб турипти. Куннинг иккинчи ярми ўтиши блан цех қизил тахтасига смена топшириғини бажариб, иккинчи кун ҳисобига ишлаётган Кравченко, Тарасов, Лихачев ўртоқларнинг номи ёзилди. Ўртоқ Ткаченко мастерлик қилаётган сварка қилиш участкаси коллективининг смена нормасини 3 соат илгари бажаргани ҳақидаги рапорт ҳам қизил тахтада пайдо бўлди.

Ҳозир корхонанинг барча цех ва участкаларида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва мутахассисларига қарата чиқарилган Мурожаати ва шу Мурожаат муносабати блан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори кенг муҳокама қилинмоқда. 4-ячи йиғув цехининг қизил бурчагига одатдагидек ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар тўпландилар. Цех агитатори ўртоқ Соломакин Партия ва Ҳукуматимиз Мурожаатининг катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эканини тушунтириб, шундай дейди:

— Бу Мурожаат биз машинасозларга ҳам таалуқли. Коллективимиз олти қаторли сеялка машинасини тўла ўзлаштирди. Ҳозир ишлаб чиқаришга ўтдик. Цехимиз коллективи олдида 400 дона янги сеялка ишлаб беришдек шарафли вазифа турипти. Биз шу куннинг сур'ати блан ишлаб, олинган мажбуриятни бажарсак, пахтакорларимизнинг мўл ҳосил етиштиришила катта ҳисса қўшган бўламиз.

Суҳбат қатнашчилари Партия ва Ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан социалистик мусобақани янада кучайтириб, қишлоқ хўжалиги заказларини янада тезроқ бажаришга аҳд қилдилар.

Шу кунларда «Ўзбексельмаш» заводининг машинасозлари олтинчи бешйилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун курашни кучайтирмоқда. Ана шу мақсадда корхона коллективи олти қаторли «СКГХ — 6А» маркали янги сеялка ишлаб чиқаришни тўла ўзлаштириб, апрель ойидан бошлаб кўплаб чиқаришга киришди. Ҳозир корхонада майолди социалистик мусобақаси тобора кучайтирилиб, апрель ойи ичида 750 янги сеялка, 150 та «ОУН—4» маркали машина ва кўплаб запас қисмлар ишлаб чиқариш учун корхонадаги мавжуд имкониятлар тўла ишга солинмоқда.

З. ШОКИРОВ.

Шаҳар ва қишлоқлар кўкаламзорлаштирилмоқда

Верхне-волинск районидаги «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли, Куйбишев номли ва «Победа» колхозларида баҳор бошланиши блан боғлар ва кўчаларга дарахт кўчатлари ўтқазиш намунали олиб борилмоқда. Колхоз боғига бу йил 800 туп олма, 1000 туп нок, 1500 туп анор каби мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Район кўчаларининг икки четига экилган 2000 туп тол, 3000 туп терак ва 2500 туп акация каби соя-салқин беручи дарахтлар кўм-кўк бўлиб кўкармоқда.

В. Ризаев.

* * *

Пискент районидаги М. Горький номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда марказий кўчалар обод қилиниб ҳархил дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. Кўчат ўтқазиш ўн кунлигида коммунал хўжалиги ходимлари ва шаҳар аҳолиси паркларга ҳамда кўчаларга серсоя дарахт кўчатлари ўтқазишда ташаббускор бўлдилар. 3000 тупдан ортиқ экилган терак, қайрағоч ва тол каби дарахтлар барг ёзмоқда.

М. Турсунов.

* * *

Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозида кўплаб мевали дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. 4 гектар ерга 2500 туп олма, ўрик, олича ва гилос каби мевали дарахт кўчатлари, 5 гектар ерга 20 хилга яқин нав'ли ток кўчатлари, боғ атрофига эса энг яхши сортли тут кўчатларидан 20 минг туп ўтқазилди.

А. Убайдуллаев.

* * *

Қорасув районининг колхозларида янги боғ ва меваэорлар барпо этиш, эски боғларни тиклаш юзасидан катта ишлар қилинди. Колхозларда баҳорда 145 ўрнига 173 гектар ерга олма кўчатлари ўтқазилди. Свердлов номли, Ленин номли колхозларда 10 гектардан ерга янги ток кўчатлари ўтқазилди. Сталин номли, Горький номли, Ворошилов номли колхозларда ҳам боғ, меваэорлар барпо этилди.

Қизиқарли экскурсия

Яқинда Мирзачўл шаҳридаги Куйбишев номли 1-ячи ўрта мактабнинг юқори синф ўқучилари физика ўқитучиси И. Исмоилов раҳбарлигида пахта тозалаш заводига экскурсияга бордилар. Завод техника контроли бўлими бошлиғи инженер ўртоқ Юсупов заводда ишлабчиқаришнинг ташкил қилиниши ва техника тўғрисида сўзлаб берди.

— Заводимиз бир суткада 700 тоннадан ортиқ чигитли пахтани тозалаб чиқаради. Ҳарбир пресс, — деди ўртоқ Юсупов сўзида давом этиб, — соатига 20 той пахта тайёрлайди.

Кучли ҳаво насоси ёрдами блан чигитли пахтанинг тозалаш цехига тортилиши, чигити олинган пахтанинг пресловчи цехга юборилиши ва бошқа технологик процессларни ўқучилар зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар.

С. АЗИМОВ,
Г. БОЗОРБОЕВ.

Пассажирлар учун яна бир қулайлик

Тошкент темир йўлида пассажирларга қулайлик туғдириш мақсадида янги қонда жорий қилинди. Бу қондага мувофиқ пассажир бир шаҳардан иккинчи шаҳарга бораркан, ўзи истаган станция, пункт ва разъездда тушиб дам олиб, тамоша қилаолади, билетнинг муддатини ўн суткагача суроолади.

Бунинг учун пассажир қай вақтда, қайси станция ёки разъездда қанча вақт бўлишини вокзал навбатчисига ёки кассирга ма'лум қилиб қўйиши керак.

ОЛТИНЧИ БЕШИЙЛЛИКНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

Пўлат эритучилар

Пўлат эритучилар блан чўян эритучилар ўртасидаги мусобақа натижалари якунланди. Ҳар иккала участка коллективи ҳам давлат планларини ошираб бажарган эди. Лекин чўян эритучиларнинг кўрсаткичлари пўлат эритучиларнинг кўрсаткичларидан анча юқори бўлганлиги учун улар ғолиб чиқдилар. Шунда пўлат эритучилар ҳар иккала участка коллективи ўртасидаги мусобақани давом этдиришни таклиф қилдилар. Таклиф қабул қилинди.

Орадан бирнеча кун ўтди. Участка мастери Муҳиддин Назаров шу кунларда илғариларга нисбатан анча кам гап ва ўйчан бўлиб қолган эди. У, участка техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва коллективни илғорлар қаторига етказиб олиш ҳақида ўйларди. У, кун бўйи иш процессларини кўздан кечирар, ишчилар блан суҳбатлашар, уларга йўл-йўлакай маслаҳатлар берар эди.

Муҳиддин Назаров бир куни тушки овқатдан сўнг цехнинг чўян эритиш участкасига борди. Бир четда туриб, ҳамма ишларни кўздан кечирди. Участка бошлиғи Абрам Рубахин блан суҳбатлашди. Рубахин мусобақадош участка бошлиғи Назаровни коллективнинг кейинги кунларда қандай ишлаётганлиги блан таништирди. Муҳиддин ака ўз участкасига қайтиб келгач, коллективни йиғиб суҳбат ўтказди. Суҳбат вақтида ҳарким йўл қўйилган камчиликларни ва уларнинг сабабларини очиб ташлади. Шунда кўп қатори қуювчилар бригадасининг бошлиғи Ҳайрулла Муродов ҳам сўз олди.

— Ба'зида, — деди у, вазминлик блан, — формовка бўлмай қолади. Шундай ҳолларда бригада ишчилари бекор туриб қоладилар. Бу эса унумли ишлашимизга катта халақит бермоқда.

— Тўғри,тўғри! — қуювчилардан Султон Ўрмонов ва Жўра Солиховлар бригада бошлиғининг фикрини қувватлашди.

Суҳбат унчалик узоққа чўзилмаган бўлса ҳам, жуда қизғин ўтди. Участка мастери сўзлаётган ҳарбир ишчининг гапларига диққат блан қулоқ соларкан, блокнотига алланарсаларни ёзиб борарди.

Эртасига участка бошлиғи цех бошлиғининг олдига кирди. Қотмадан келган, ўрта бўйли цех бошлиғи Леопольд Борисович Бенкенштад стол устида турган аллақандай чертёжларни кўздан кечирарди. Қуйи эгилган бошини бироз кўтаргач, кўзи участка бошлиғига тушди.

— Келинг, Муҳиддин Назарович, — деди бошлиқ олдидаги чертёжларни бир четга олиб қўяр экан. — Хизмат?

— Леопольд Борисович,—деди участка бошлиғи бироз паузадан сўнг, — мусобақада чўян эритучилардан орқада қолаяпмиз. Илғарилари доим илғор бўлиб келган пўлат эритучиларнинг тиллари анча узун эди. Эндиликда эса ишимизнинг бироз мазаси қочди.

Участка бошлиғи ишчилар блан кеча ўтказилган суҳбатда айтилган э'тирозларни бирма-бир гапириб берди. Цех бошлиғи ўз суҳбатдошининг мулоҳазаларини диққат блан эшитгач:

— Сизнингча камчиликларнинг асосий сабаби нимада?—деб сўради.

Муҳиддин Назаров бироз ўйланиб қолди, сўнг жавоб берди:

— Коллективимиз қанча пўлат талаб қилинса, шунча пўлат бериш учун ҳамма имкониятларга эга. Бунинг учун ишчилар ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар.

Участка бошлиғи ўз коллективига қаттиқ ишонганлигидан, ҳарбир кишининг хислатларини яхши билганлигидан дадил гапирарди.

— Шу кеча-кундуздаги ишларимизни, — деб давом қилди участка бошлиғи, — яхшилаб, ичидан-ичигасигача ўрганиб чиқдик. Ўзимиз йўл қўяётган камчиликлар ҳам бор, лекин иш сур'атини тезлаштиришга асосан (у «асосан» деган сўзни алоҳида та'кидлаб гапирди) формовка тайёрловчиларнинг суст ишлаётганлиги халал бермоқда. Чўян эритучилар доимо формовка блан та'миналиб турадилар, бу томондан уларнинг кўнгли тўқ. Биз эса формовка етишмаслигидан доим ноилж юрамиз. Агар ўз вақтида ва талаб қилинган миқдорда формовка етказиб берилса, мусобақадошларимизга бемалол етиб оламиз. Агар сиз бу томондан кўнглимизни тўқ қилсангиз, истаган миқдорда маҳсулот олишингиз мумкин.

Цех бошлиғи блан участка бошлиғининг суҳбати узоқ давом этди. Муҳиддин Назаров коллективнинг номидан ўз талабларини цех бошлиғи олдига қўйди. Леопольд Борисович бу талабларнинг ҳаммасини ўринли талаблар, деб қабул қилди ва формовка участкасининг ишини яқин кунлар ичида тубдан яхшилашга ва'да берди.

Улкан цехнинг ҳамма ерида меҳнат қайнайди. Беланчакка ўхшатиб осиб-осиб қуйилган юзларча қолиплар конвейерда тинимсиз айланмоқда. Цех бошлиғи Леопольд Борисович Бенкенштад участка бошлиғи Муҳиддин Назаровга берган ва'дасига амал қилган эди: формовка участкасининг иши жонлантириб юборилди. Пўлат қуювчилар эндиликда формовка етишмаслигидан ноилмайдилар. Гигант кўприк кранлари цех биносини ларзага солиб, участканинг у бошидан бу бошига зир югурмоқда. Мана, тумшуғига икки тоннали ковшни илиб олган кран пўлат эритучи печьларга яқинлашмоқда.

— Тўхта! — деган команда эшитилади.

Цехнинг донгдор пўлат эритучиларидан Носир Содиқов бошқарув будкасидан туриб контаксни буради. Пўлат эритучининг будкасидан 5—6 метр нарида ўрнатилган печьнинг оғзи Содиқовнинг иродасига бўйсуниб, аста-секин юқорига кўтарилабошлайди ва кранга илинган ковшга тўғри келиши блан тўхтади. Печь ўз укаси — ковшдан ларқа чўғ бўлиб турган чўянни қабул қилиб олади. Носир ака печь оғзини шиппа қаратиб қўйди, сўнг ўртасига «пуск» деб ёзиб қўйилган қизил кнопкани босди. Печь орқасига ўрнатилган вентиляция мотори ҳаракатга келди. Кучли шамол босими эриган чўянни аланга олдириб юборади.

Осмонга қараб турган печь оғзи четдан туриб қузатган кишига худди ҳаракатдаги вулкан кратерини эслатади. Ундан учқун ёмғирлари тинмай ҳартарафга сачрамоқда. Носир ака ўз будкасидан бутун процессларни кузатиб турипти. Ярим айланма шаклидаги будка дизель автомашинасидаги шофер кабинасини эслатар эди. Будканинг ҳар иккала томонида печьларни бошқарадиган, улар оғзини пастга ёки юқорига кўтарадиган дизель автомашинасидаги рульга ўхшаш контакс ўрнатилган. Ўртада пусковой автомат. Бу автомат ёрдами блан вентилятор мотори ҳаракатга келтирилади, чап томонда эса ҳарбир печь учун биттадан борометр ўрнатилган. Бу борометрлар пўлат қайнаётган печь ичидаги атмосферанинг босимини кўрсатиб туради. Босимни кўрсатучи стрелка кўтарилиб бормоқда 70... 80... 100...

Вақт ўтган сари печь ичидан отилиб чиқаётган учқунлар майдаланабошлади. Учқунларнинг ранги ҳам ўзгарабошлади. Шу вақт пўлат эритучи будкасига кепкасининг козерогига рангли кўзойнак ўрнатиб олган, баланд бўйли, қотмадан келган бир киши кирди.

Бу киши қолипларга пўлат қуючилар бригадасининг бошлиғи Ҳайрулла Муродов эди.

— Носир ака, — деди у, донгдор пўлат эритучига мурожаат қилиб, — ковшларни тайёрладик, энди бошласак бўлар-а?

Носир Содиқов печь оғзидан чиқаётган оқимтир учқунларни яна бир бор кўздан кечирар экан:

— Бироз сабр қилиш керак, ҳали пўлат етилмаган. Ана қаранг, — деди у печьга ишора қилиб, — учқун чиқаяпти, ҳозир қўйилса, сифати кўнгилдагидек бўлмайди, унақа пўлат чинакам пўлат бўлмайди.

Бироздан сўнг майда учқунлар зўраябошлади. Қайнаётган пўлат составидаги углерод ёнабошлаган эди. Носир Содиқов контаксни бураб, печь оғзини энгаштирди. Печь ичига ёнучи моддалар қолмаслиги учун промарганец деган хим'ёвий модда ташланди. Шу онлаёқ яллигланиб турган очсариғ аланга печь оғзидан сўнгги бор кучини тўплаб ҳамла қилгандек гуп этиб четга урдида, сўнди. Ёнучи моддалар куйиб битди. Энди пўлат ичида қолган шлакни қуюқлаштириш мақсадида қум ташланди. Орадан бирнеча минут ўтгач, Носир ака қуючиларга қараб «тайёр» деган ишорани берди. Бу сафар пўлат олдаги процессларга қараганда анча барвақт тайёрланди.

Қуювчилар печь тагига кетма-кет ковшларни келтирмоқдалар. Қаймоқранг яллигланган пўлат агроф—теваракни ёритиб, итоаткорлик блан ковшларга қуйилмоқда. Қуювчилардан Жўра Солиҳов ва Султон Ўрмоновлар ковшдаги пўлатни тартибли равишда конвейерда айланиб, навбатма-навбат келаётган қолипларга қуймоқдалар. Ҳозир қуйилаётган детальлар горизонтал-принципелли пахта териш машинасининг турли хил детальлари эди.

Участка коллективининг ҳаракатига назар ташлаган киши бу ердаги ҳарбир ишчининг ўз вазифасига сидқидил блан қараётганлигини дарҳол сезиб олади. Участка бошлиғи, шу корхонада 22 йиллан бери муттасил ишлаб келаётган тажрибали мастер Муҳиддин Назаров, бригадалардаги ишлар блан бирма-бир танишиб чиқади. Ҳамма ерда иш бир ме'ёрда кетаётган эди. «Агар шу сур'атни бўшаштирмасак мусобақадошимиз — чўян эритучиларга етиб, ҳатто ўзиб ҳам кетамиз»—деди ўзича мастер.

Мана шу яллигланиб турган пўлат эритиш печьлари олдида мардона меҳнат қилаётган участканинг аҳил коллективи жонажон партиямиз XX с'езди белгилаб берган улуғвор программани амалга ошириш мақсадида фидокорона ишлаётган миллионлар қаторида шаҳдам қадам ташламоқда. Партия XX с'езди қабул қилган қарорларда огир саноатни, айниқса чўян ва пўлат ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга жуда катта э'тибор берилган. Чунки халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини зўр бериб ривожлантириш оқибат натижада қора металлургияга боғлиқдир.

1960 йилда СССР да таҳминан 53 миллион тонна, ёки 1940 йилдагига қараганда 3,6 баравар кўп чўян ишлаб чиқарилади; 68 миллион 300 минг тонна, ёки 1940 йилдагига қараганда 3,7 баравар кўп пўлат ишлаб чиқарилади. Мавжуд қувватлардан ишнинг кўзини билиб, усталик блан фойдаланиш, эскириб қолган ускуналарни янгилаш ва ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш йўли блан мамлакатимиз металлургиясини олтинчи бешйилликда чўянни кўпайтиришга мўлжалланган миқдорнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ва кўпайтиришга мўлжалланган пўлат миқдорининг қарийб ярмисини беришлари лозим.

Бу улуғвор программани амалга ошириш мақсадида мусобақадошлар—чўян эритиш ва пўлат эритиш участкаларининг коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон беручи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар. Ишлабчиқаришга прогрессив технологияни кенг жорий қилиш юзасидан бирқанча муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, цех инженерлари ишлабчиқариш новаторлари блан ҳамкорликда ишлаб, унчалик кўп механик ишлашни талаб қилмайдиган аниқ отливкалар олиш соҳасида дастлабки натижаларни қўлга киритдилар. Цехда пўлат ва чўянни қобиқли формаларга қуйиш юзасидан олиб борилган тажриба якунларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш тадбирлари белгиланмоқда. Бундай усулда қуйилган деталь механик ишлашни унчалик кўп талаб қилмайди. Шунинг натижасида металл қирқадиган кўпгина станокларни бўшатиб бериш ва ҳозир қириндига чиқиб кетаётган тонна-тонналаб металлни тежаш имконияти туғилади.

Қуювчилар неча-неча юзлаб қолипларни қайноқ пўлат блан тўлдириб ташлаётирлар, бу ерда ҳар куни пландан ташқари бирнеча юзлаб детальлар туғилмоқда. Социалистик қишлоқ хўжалигимизни илғор техника блан қуроллантириш мақсадида кечаю-кундуз ишлаётган бу машинасозлик коллективининг пўлат эритучилари с'езд қарорларини бажариш иштиёқи блан тўлиб-тошганлар. Корхонанинг пўлат эритучилари москвалилар ташаббусига қўшилиб, олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда кўплаб пўлат бериш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Тошкентдаги К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи қуюв цехининг коллективи яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами — 1 Майни ишлабчиқаришда муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Бу мусобақада Муҳиддин Назаров бошлиқ пўлат эритучилар участкаси яхши натижаларга эришмоқда. Участка коллективи нормадаги 15 тонна ўрнига 20, айрим кунлари эса 25 тоннага етказиб пўлат эритмоқда. Участканинг Ҳайрулла Муродов бошлиқ пўлат қуювчилар бригадаси смена топшириғини доимо 200 процентга етказиб бажармоқда.

Корхонанинг юраги деб ҳисобланган қуюв цехининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари шу кунларда ана шундай ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

И. СУЛАЙМОНОВ,
М. ЯХ'ЁЕВ.

Барча колхоз ва совхозларда чигит экишни юқори сифатли ўтказиш учун курашайлик!

☆ ☆ ☆

Пахта ҳосилини ошириш блан бирга унинг таннархини камайтириш керак

Ўртачирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари Партия ва Ҳукуматимиз Мурожаатига амалий иш блан жавоб бермоқдалар

БАҲОР КУНЛАРИДА

Колхоз қишлоғи баҳор либосига бурканган. Ариқлар ёқаси, дарахтларнинг шохи, адрлар кўмкўк ўсма қўйган. Илк баҳор чоғи ўтказилган кўчатлар ҳам куртак ёзиб, қуёшнинг оромбахш нурини эмади. Шундай пайтларда колхозчи деҳқонларнинг иши авжида бўлади. Биров чигит экиш блан, яна бирқанча колхозчилар «универсал»га ер тайёрлаш блан, бир группа кишилар эса ураглик чигит ташиш, тракторга сув келтириш, чигит экилган карталар четига ўқариқ олиш блан банд. Экиш авжига минган кунларда колхоз раҳбарларида ҳам тиним бўлмаслиги табиийдир.

Чигит экишнинг қизғин палласи эди. Колхозчилар, механизаторлар тушки овқатланишга чиқишганда, радиодан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати ўқилмоқда эди. Партия ва Ҳукуматимиз колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС механизаторлари, агроном ва зоотехниклар, илмий ходимларга мурожаат қилиб, энг муҳим вазифа — **ҳосилни ошириш**, чорвачилик маҳсулотларини тинмай **кўпайтиришдан** иборат эканлигини алоҳида та'кидлаган эдилар.

Партия ва Ҳукуматимиз Мурожаатидаги: **«Пахта етиштиришни кўпайтирмоқ учун бизда жуда натта резервлар бор. Кейинги йилларда пахтакор колхозларнинг қарийб учдан бир қисми пахтанинг ҳарбир гектаридан 10—15 центнердан ҳосил олмоқдалар. Шу колхозларда пахтанинг ҳосилдорлигини Совет Иттифоқидаги ҳосилдорликнинг ўртача даражасига етказилса, фақат шунинг ўзи блангина пахтанинг ялпи ҳосилини қар йили 600—700 минг тонна миқдорида кўпайтириш мумкин бўлади»** деган сўзлар атрофида ўзаро фикр олишув, кенг муҳокама қизиб кетди.

— Жуда тўғри айтилипти Мурожаатда, — ўрта ёшли колхозчи гап бошлаган эди, ҳамма унга қаради.

— Мана, қўшнимизни олиб кўрайлик. 19 центнердан сад оширишипти, обба шоввозлар-ей, колхозникидан роса икки ярим центнер кам-а, бизникига етишга-ку тўқ-киз центнер керак.

— Шундай дейсиз-у, лекин ерларининг мазаси йўқ-да...

— Сиз қизиқ гапни айтасиз, ерга ўзидан-ўзи маза кириб қолмайди, унга маза киргизиш деҳқоннинг қўлида. Ахир кузда шудгор қилмаса, у ердан-бу ердан ўғит тўплаб чиқариб солмаса, вақтида ариқ-зовурни қазимаса, ерга маза кирармиди. Уларнинг бригадаси бизнинг бригададан узоқда эмас-ку ахир, бир ҳатласак қўшнимиз ерига ўтамиз. Хўш, нега биз ўтган йили 28 центнердан пахта тошширдигу, улар 19 ярим центнерда қолди?

— Эсингизда борми, биз икки тарафлама культивация қилаётганимизда улар, «кетмонни чуқур ураяпмиз», деб керилиб юришди. Хўв, оғайни кетмоннинг даври ўтиб кетган, «универсал»нинг пайидан бўл, узунасига-кўндалангига ишлаган ютади, деб насиҳат қилдик. Қулоқларига олмаганидан кейин, бориб кетмонларини чопишиб берайликми? Ҳосилни ошириш ўзимизнинг қўлимизда. Кимки астойдил ҳаракат қилса, тракторчилар блан қўлни-қўлга бериб ишласа кузда ўшанинг хирмони катта бўлаверади.

Колхозчилар, механизаторлар Партия ва Ҳукуматимизнинг Мурожаатини эшитганларидан кейин шу хилда гаплашиб ўтиришардилар. Улар пахта ҳосилини ошириш ҳарбир кишининг асосий вазифаси эканлигини уқтирардилар. Шу блан бирга колхозчилар фақаттина бир бригада ёки бир-икки колхозда ҳосил мўл бўлгани блан бутун районда ҳосил кам бўлгандан кейин барибир умумий юксалишга эришиш мумкин эмаслигини та'кидлардилар.

ЕР СОЗ БУЛСА ҲОСИЛ МУЛ БУЛАДИ

1951 йил август ойи. Шунда «Москва», «Қизил аскар», Папанин номли, Чкалов номли, Куйбишев номли колхозларнинг а'золари бир ерга тўпланиб шундай маслаҳатга келдилар: «Ўртоқлар, кичик хўжаликларимизни қўшиб катта бир рўзғор бўлайлик, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, шу катта хўжалигимизни мустаҳкамлайлик, ҳаммамиз бир киши, бир-биримизни жўда яхши биламиз, кўпчилик ҳал қилмайдиган иш йўқ!».

Ана шундай қарор қилингандан кейин келгуси — 1952 йилда катта хўжаликка айланган Куйбишев номли колхоз 1.190 гектар ернинг ҳар гектаридан 23,6 центнердан ҳосил олди. Ўша вақтдаги «Қизил аскар», Папанин номли, Чкалов номли, Куйбишев номли колхозлар бу ҳосилнинг ярмисини ҳам ололмаган эдилар. Пахтачиликда яхши тажрибага эга бўлган собиқ «Москва» колхозининг пахтакорлари биргалашиб иш олиб бориб, структураси бузилиб кетган кўпгина ерларни унумдор далаларга айлантириш, шу йўл блан пахта ҳосилини оширишда астойдил киришдилар. Ҳосил етиштириш яхши бўлаборган сари кўпчилик бундан илҳомланиб, астойдил меҳнат қилди. Зах сув яқин турган 400 гектардан ортиқ ер атрофига чуқур зовурлар олинди, қиёқ ва ҳархил ёввойи ўтлар ўсиб ётган катта-катта тепалар, марзадар бузиб текисланди, шу вақттача чиқарилмай чириб ётган маҳаллий ўғит ерларга солинди. Кичик колхозлар қўшилиб йирик хўжаликка айланган иккинчи йил — 1953 йилда 1115 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,6 центнердан пахта топширилди. Қўлга киритилган бу ютуқ айрим раҳбарларни эсанкиратиб қўйди. Ўтган икки йилдагидек ҳаракат қилинмади. Қўшилган йили қазилган зовурлар тўлиб, улар атрофида ўт ўсиб, зах сувни ёмон тортадиган бўлиб қолди. Трактордан фойдаланишга, меҳнатни уюштиришга ҳам яхши э'тибор берилмай қўйилди. Дала ишлари кўпинча сифатсиз ўтказиладиган бўлиб қолди. Оқибатда колхоз ҳосил етиштириш жиҳатидан 1954 йилда 1953 йилдагига нисбатан анча пастлаб кетди. Я'ни 1130 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,1 центнердан пахта топшириб, йиллик планни атиги 86 процент бажарди.

Колхоз правлениеси шундай бўлса ҳам ишни яхшилаш тадбирларини амалга оширмади. Ўша вақтдаги колхоз раиси Орифжонов: «Биз олаётган ҳосил райондаги кўпгина колхозларнинг ҳосилидан анча ортиқ» деб ҳечкимга ган бермай юрди. Колхозда томоқдан фойдаланиб, умум ишига жон куйдирмайдиган одамлар кўпайиб кетди. Раис МТСдан ер ҳайдаш, культивация қилишнинг юқори сифатли бўлишини қат'ий талаб қилмади, бундан фойдаланган айрим механизаторлар эса культивацияни ҳам, ер ҳайдашни ҳам жуда сифатсиз бажарадиган бўлиб қолдилар. 5—6 марта культивация қилинган ерлардан ҳам ҳосил кўп олинмади, ғўзанинг ривожи яхши бўлмади.

Колхозчилар илгариги раисни ишдан олиб ташлаб тўғри қилдилар. Колхозчилар правление раиси қилиб шу қишлоқда ўсган, ернинг пасти-баландини билган Рихсигул Йўлдошевани сайладилар. Ўртоқ Йўлдошева партия ташкилотига, правлениега, колхозчилар оммасига суяниб иш кўриб, дастлабки йилни бирмунча муваффақият блан якунлади. Чигит қайта экилишига, айрим далаларда учинчи марта экилишига қарамай, 1136 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,3 центнердан пахта топширилиб, йиллик план 103 процент бажарилди. Шу нарса қувонарлики, колхозчилар бултур кўкламда бўлган табиий қийинчиликдан кўп зарар кўрган бўлсалар ҳам партия ва ҳукуматимиз уларга меҳрибонлик қилиб, катта ёрдам бердилар. Ана шу ғамхўрликдан бениҳоя хурсанд бўлган колхозчилар бу йил астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бу колхозда «ер соз бўлса, ҳосил мўл бўлади» деган деҳқон қоидасига тўла амал қилинади. Колхознинг захкаш ҳисобланган участкасидаги зовурлар вақти-вақти блан тозаланади, фермалардаги маҳаллий ўғит қиш ва эрта баҳор кунларида далаларга чиқариб, махсус чуқурларда сақланади, улар чиритилиб ерга, ўзалар ўсаётган вақтда қатор ораларига солинади. Колхознинг яйловдаги участкасидан ҳам ўтган йилнинг кузида ва шу йил қиш фаслида жуда кўп миқдорда қўй-қийн ташиб келтирилди. Ҳарбир колхозчи ва шу колхозда хизмат қилаётган ҳарбир механизатор: **«Пахта ҳосилини тинмай ошурамиз»**, деб айтади ва ўзининг шу сўзига тўла амал қилади.

КАМ МЕҲНАТ САРФЛАБ, КЎП ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН

Колхознинг сўнгги 4 йил ичидаги ҳосил етиштиришини ва унга сарф қилинган меҳнатни кўздан кечирганда бу колхозда ҳали ҳам пахтанинг таннархи юқори эканлигини пайқаб оласиз. Колхоз 1952—1955 йиллар ичида қуйидагича ҳосил етиштирган ва ҳар центнер пахта учун қуйидагича меҳнат куни сарфлаган:

1952		1953		1954		1955	
Гектаридан олинган ҳосил (центнер)	Бир центнер пахта учун сарф бўлган меҳнат куни	Гектаридан олинган ҳосил (центнер)	Бир центнер пахта учун сарф бўлган меҳнат куни	Гектаридан олинган ҳосил (центнер)	Бир центнер пахта учун сарф бўлган меҳнат куни	Гектаридан олинган ҳосил (центнер)	Бир центнер пахта учун сарф бўлган меҳнат куни
23,6	11,3	26,6	11,1	21,1	11,64	21,3	12,5

Кўриниб турипти ки, колхоз ҳосилни камайтирган йили ҳам, оширган йили ҳам бир центнер пахта учун анча кўп меҳнат сарф қилинган. Нима учун шундай бўлди, деган саволга колхоз раиси Йўлдошева, бухгалтер Умаров ўртоқлар: «МТС ёмон ёрдам бермоқда, иш сифатсиз бажарилмоқда, айрим вақтларда эса биз белгилаган тадбирлар кечикиб ўтказилмоқда», деб жавоб бердилар. Ҳақиқий аҳвол ҳам колхозга МТС томонидан қониқарсиз ёрдам берилаётганлигини кўрсатиб туради. Ўтган йиллардаги гапларни эслатиб ўтмай қўяқолайлик. Бу йилги, я'ни мўл ҳосил учун замин қўйилаётган ҳозирги аҳволни кўздан кечирайлик. МТС колхозга 2 та С—80 трактори юборган. МТС дагилар бу тракторлар ишлаяпти, деб ўйлайдилар. Ҳақиқатда эса С—80 тракторининг биттаси доим тўхтаб туради. Масалан, 9 апрель куни тракторчи арзимаган иш учун МТСга бориб келган. МТС блан колхоз ўртаси 20 километрга яқин келади. Демак, тракторчи бориб келиш учун 40 километр йўл босган, я'ни у, бир ярим кунни бекорга ўтказган. Шунинг натижасида колхоз ҳалигача 300 гектар ерни ҳайдаб ололгани йўқ. МТС директори Акопьян, бош агрономи Содиқов, бош инженери Сим Дья Син ўртоқлар колхозга келмадилар эмас, вақти-вақтида келиб турадилар, аммо колхозчилар ҳам, тракторчилар ҳам уларнинг ўзларини кўрмайдилар, машиналари чиқарган чангни кўрадилар, холос. С—80 тракторида ишловчи ўртоқ Ш. Оллоберганов «раҳбарларимиз қизиқ, ишни енгиллаштириш тўғрисида сра ўйламайдилар, агар МТСимизда кўчма устахона бўлганда эди, директоримизнинг колхозга келиб-кетиши унча зарур ҳам бўлмас эди. Биз кўпинча МТСга қатнаб вақт ўтказиб, ҳам ўзимиз зарар кўрамиз, ҳам колхозга зарар келтирамиз» дейди афсусланиб.

Шунингдек МТСдан юборилган 10 «универсал»нинг 3 таси ҳайдов тракторлари етишмаётганлиги сабабли боронада фойдаланилаётганлиги учун экиш графиги бирор кун ҳам бажарилмаётир. Колхоз а'золари қўлларидан келганча ерларни текислаб, тракторга тайёрлаб бермоқдалар. Шундай бўлишига қарамай, «универсал»лар етишмаслиги натижасида ернинг нами кўтарилиб кетиб, чигит сифатли экилмаётир. МТС раҳбарлари бу тўғрида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

ГЕКТАР ТУЛИҚ БУЛСА УЯЛМАЙСИЗ

— Биз ўтган йилларда гектарнинг тўлиқ бўлишига унча аҳамият бермас эканмиз, — дейди илғор бригада бошлиғи Парда Раҳмонов, — уватлар чеккаси, ер бурчаги, дарахтларнинг таги кўпинча бекор қолиб кетар эди. Биз бўлсак фалон карта фалонча гектар, деб ҳисоблар эдик. Ваҳоланки, ана шу ерларимизнинг бурчакларини қўйганда анча-мунча ер ҳосибга кирар экан. Биз ҳозир чигит экилаётган кунларда ана шунга тўла аҳамият бермоқдамиз. Бир қарич ерни ҳам бекорга кетказмай, ҳамма еримизга тўла чигит экамиз. Бригадамиз а'золари ана шунга қат'ий амал қилмоқдалар.

Колхознинг 1 — 4 — 5 —13-нчи бригадаларининг ер бурчаклари, уват чеккаларида бўш қолиб кетган ерлар ҳисобланганда 1955 йилда 2,7 гектар ерга чигит экилмай қолганлиги аниқланди. Бироқ шу бригадалар ана шу ерлар ҳисобига ҳам ҳосил топширишга мажбур бўлдилар. Натижада биринчидан, ҳосил плани бажарилмади, иккинчидан пахтанинг таннархи қимматлаштирилиб юборилди.

Колхоз а'золари бу йил гектарнинг тўлиқ бўлиши учун астойдил курашмоқдалар. Улар тракторчилардан ҳарбир қарич ерга ҳам чигит экилишини та'минлашни талаб қилмоқдалар.

ҲАРБИР КОЛХОЗ ҲАМ ҲОСИЛНИ ОШИРСИН

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Мурожаатида ҳарбир колхоз, ҳарбир район ва ҳарбир область қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини оширишда бирхил, юқори натижага эришиш учун курашсин, деб алоҳида та'кидлаб ўтилди. Лекин шу нуқтаи назардан қараганда Ўртачирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз блан унга қўшни бўлган Ильич номли, Сталин номли, Маленков номли колхозларда ҳосил етиштиришда кескин фарқ бўлиб қолмоқда. 1955 йилда табиий ноқулайликлар бўлишига қарамай, Куйбишев номли колхоз 1.136 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,3 центнердан ҳосил етиштиргани ҳолда, шу колхоз блан қўшни, бир ариқдан сув ичучи, бирхил шароитга эга бўлган юқоридаги колхозлар гектаридан атиги 15,5—16 центнердан ҳосил олдилар. Кўриниб турипти ки, бу колхозларда пахта ҳосилини кўпайтириш учун чинакамига кураш олиб борилмаётир. Ильич номли, Сталин номли, Маленков номли колхозларда ернинг структурасини яхшилаш, далага кўплаб маҳаллий ўғит чиқариб солиш, трактор ишларининг юқори сифатли бажарилиши устидан талабчанлик оширилмаётир. Бу колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағларни мумкин қадар камайтириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбобларидан фойдаланишни яхшилаш, ички имкониятларни тўла ишга солиш учун астойдил кураш олиб борилмаётир. Агар ана шу камҳосилли колхоз раҳбарлари ҳам шунга амал қилиб иш олиб борсалар, улар фақаттина Куйбишев номли колхозга етибгина эмас, ундан ҳам ўзиб кетиш имкониятига эгадирлар. Гап ана шу имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланишда, ички резервларни ишга солишда!

Куйбишев номли колхоз пахтакорлари ва механизаторлар Партия ва Ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан бу йил 1.150 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта етиштиришга қарор қилганлар. Улар бунинг учун 450 гектар ерга 60х45, 165 гектар ерга 50х50 схемалари блан ва қолган ерларга торқаторлаб чигит экиб, кўпгина пахта майдонларини ҳам узунасига, ҳам кўндалангига ишлаш йўли блан ҳосилни ошириш учун имконият яратиш тадбирларини кўрмоқдалар.

С. МАҲКАМОВ.
Т. ЙЎЛДОШЕВ.



Бўстондиқ районидаги Маленков номли колхоз а'золари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, чигит экишни тез ва сифатли олиб бораётирлар. Суратда: тракторчи **Т. Малтаев**, сеялкачи **А. Алиқулов** ўртоқлар чигит экмоқдалар. Улар ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, кунлик чигит экиш нормасини 120—130 процентга етказиб бажараётирлар.

Г. Канцарининг фотоси.

Дала ишлари сифатини оширайлик

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаати пахтакорларнинг ижодий активлигини кучайтирди, уларда экиш сур'атларини тезлатишга интилиш туғдирди.

ЎзТАГ мухбири Октябрь районидаги Каганович номли колхозининг правление раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқуловга мурожаат қилиб, бу колхоз а'золари ҳозир нима иш қилаётирлар, деб сўради. Ҳамроқул Турсунқулов бундай деди:

— Мурожаат Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисида, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл-кўл қилиш, совет халқининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини кўрсатучи янги далилдир. Бу ғамхўрликка жавобан биз 1900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Бизда шу мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳамма нарса: механизмлар, тажриба ва билимларимиз бор. Эндиликда энг муҳим вазифа— дала ишларининг юқори сифатли қилиб бажарилишига эришиш, экиш сур'атларини тезлаштиришдан иборатдир.

Колхоз правлениеси чигит экиш даврида дала ишларининг сифати устидан айниқса қаттиқ контроль ўрнатди. Яқинда биз 30 гектар ерга чигитни сифатсиз эккан механизаторларнинг ишини бракка чиқардик.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети кейинда қолаётган хўжаликларга ёрдам бериш зарурлигига алоҳида э'тибор берганлар.

Октябрь МТС директори ўртоқ Ноздринининг колхозларга нотўғри муносабатда бўлганлигини қаттиқ танқид қилиш керак. У ўтган йилги хатони такрорламоқда — экиш ишларини чўзмоқда, агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларни қўлдан бой бермоқда. Тракторлар сифатсиз ремонт қилинган, бунинг натижасида ҳозир ҳамма машиналарнинг фақат ярмиси ишлаётир. МТС чигит экиладиган ерларни ҳайдаш ишларини шу вақтгача тугаллагани йўқ, квадрат-уялаб экишга киришган эмас. МТС раҳбарлари далаларга кам борадилар.

Партия бизга ҳисоблашни ўрганиш, даромад ва харажатларнигина эмас, балки қўлдан бой берилган кунларни, қишлоқ хўжалигида кўпинча иш муваффақиятини ҳал этадиган кунларни ҳисоблашни ўрганиш керак, деб та'лим беради. Дала ишларининг яхши сифатли бажарилиши учун кураш — қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг таннархини камайтириш йўлидир. Каганович номли колхоз а'золари бу йил етиштириладиган пахтанинг ҳарбир центнерига кўп деганда беш меҳнат куни, я'ни ўтган йилдагига қараганда 0,7 меҳнат куни камроқ сарфлашга қарор қилдилар. Бунга биринчи навбатда, ҳосилдорликни ошириш йўли блан эришилади. Бунинг учун дала ишларининг ҳамма-масини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказиш керак.

Чигит экиш қизғин бораётир

Янгийўл районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Абдумалик Шораҳмедов раислик қилаётган Свердлов номли колхозининг азамат пахтакорлари ва механизаторлари 1111 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу йил колхозда 418 гектар ерга чигит 60Х45 ва 45Х45 схемаси бўйича квадрат-уялаб экилади.

Ана шу мақсад блан колхоз а'золари чигит экиш кампаниясини яхши тайёрғарлик блан кутиб олдилар. Ҳозир колхозда чигит экиш қизғин давом этмоқда.

Колхознинг ўртоқ Шамси Ходиҳўжаев бошлиқ бригадаси чигит экишда олдинда бормоқда. Бригада а'золари бу йил 72,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаганлар. Шунингдек ўртоқ Убайда Ғозиева бошлиқ бригада а'золари ҳам чигит экишда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Колхозда хизмат қилаётган У. Усмонов, М. Фозилов, И. Пильнев ўртоқлар бошлиқ трактор бригадалари чигит экишда намунали ишламоқдалар. Айниқса ўртоқ У. Усмонов бошлиқ трактор бригадаси социалистик мусобақада олдинда бориб, барча колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Бригаданинг ишчан универсалчиси ўртоқ Мўмин Каримов кунига 8 — 9 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқда.

Азамат пахтакорлар ва механизаторлар 1 Май шарафига ўзаро социалистик мусобақани қизитиб, улардаги барвақт экиб тамомлаш ва бир текисда ундириб олиш учун курашмоқдалар.

Р. МЕЛИБОЕВ,
М. ХУДОЙҚУЛОВ.

Чигит тез ва сифатли экиб олинади

Бўка районидаги Охунбобоев номли колхоз а'золари механизаторлар блан ҳамкорликда чигит экишни тез сур'атлар блан сифатли олиб бормоқдалар. Чигит экишда айниқса ўртоқ Исоқ Маҳмудов бошлиқ бригада а'золари олдинда бораётирлар. Бу бригадада хизмат қилаётган ўртоқ Жўра Хасанов бошлиқ агрегат а'золари зўр ташаббус блан ишлаб, 45 гектар ерга чигитни янги, прогрессив усулда экиб қўйдилар.

Бригада а'золари бу йил 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 20 ўрнига 23 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида экилган чигитни текис ундириб олиш учун барча тадбирларни амалга ошираётирлар.

Вильямс номли колхознинг И. Валиев, Т. Ҳолқулов, М. Беккулов, К. Шокирова ва Ҳ. Ҳайдарова ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам чигит экишни илғор агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар. Бу бригадаларда меҳнат қилаётган универсалчилардан Х. Кантаев, Қ. Мирраҳимов, П. Пяев, Қ. Жўраев ўртоқлар ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, кунлик экиш нормасини 1,5 ҳиссага етказиб адо этаётирлар.

А. АШУРОВ,
И. МАҲСУМОВ.

Пахта далаларида

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Ўтган йил 350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил етиштириб, давлат пахта тайёрлаш планини муваффақият блан бажарган Шверник номли колхоз а'золари бу йил яна 100 гектар қўриқ ер очиб, пахта майдонини 450 гектарга етказдилар.

Колхоз а'золари илғор агротехника қўлланилганда ва мелиорация тадбирлари тўла амалга оширилганда янги ерлардан биринчи йилдаёқ мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини амалда кўргандиклари учун бу йил ҳар гектар ерда 25 центнер ҳосил етиштиришни планлаштирдилар.

Кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрган колхоз а'золари чигит экишни ҳамма бригадаларда қизғин давом этдираётирлар.

М. Ҳакимов.

ЧИНОЗ. Ленин номли колхознинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчиси бўлган уста пахтакорлари А. Бойжуротов ва А. Пўлатов ўртоқлар каби бригада бошлиқлари қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари студентлари блан мустаҳкам алоқа боғлаб, ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар. Бу ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар йили мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Жумладан, улар ўтган йил ҳам давлатга ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топширган эдилар. Демак, пахтачилик амалиётида улардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам улар бу йил колхозда ишлабчиқариш тажрибасини ўтаётган студентларга ўз иш методларини батафсил кўрсатиб бермоқдалар.

А. Ҳожиқулов,
Г. Отаулаев.

Мактаблардан хабар киладилар

Октябрь районидаги Молотов номли 16-нчи ўрта мактабнинг 10-нчи синф ўқучилари имтиҳон олинадиган асосий фанлардан 8,9-нчи синфда ўтилганларни такрорламоқдалар. Р. Қиличов, З. Турсунқулова, Н. Жалолов, З. Турдиев, О. Қобилов каби а'лочи ўқучилар ўтганларни такрорлаб, пухта ўзлаштиришда ўртоқларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мактабда тарих, тил ва адабиёт, рус тили ва адабиёти, физика фанларидан қўшимча дарс ҳамда консультацияларр ўтказилмоқда.

А. Маҳанбоев.

* * *

Чиноз район мактабларининг ўқучилари дарахт кўчатлари ўтказиш ўнкунлигига актив қатнашдилар. Жданов номли ўрта мактаб ўқучилари биология ўқитучиси Н. Шамсуддинов раҳбарлигида тажриба участкасига 550 тупдан ортиқ ўрик, олма, шафтоли каби мевали дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Яқинда бу мактабда ўқучилар учун қувончли воқиа рўй берди. Мактаб дирекцияси болаларнинг пахта йиғимтерими даврида колхозга ёрдам кўрсатганлари учун берилган пулга ўқучиларнинг талабига мувофиқ телевизор приёмник сотиб олиб берди.

Шунингдек Сирдар'ё районидаги 13-мактабда ҳам дарахт кўчатлари ўтқазиш ўнкунлиги яхши натижалар блан якунланди.

О. Мўминов,
С. Ҳамроев,
Қ. Кенжаев.

* * *

ВЛКСМ Марказий Комитетининг макулатура ва темир-терсак тўплаш тўғрисидаги мурожаатига Мирзачўл район мактабларининг ўқучилари амалий иш блан жавоб бермоқдалар. Муқимий номли 14-нчи етти йиллик мактаб ўқучилари ҳозиргача 600 килограммдан ортиқ макулатура ва 850 килограммга яқин темир-терсак тўпладилар.

Қ. Қурбонбоев.

* * *

Тошкент шаҳар Сталин районидаги Жданов номли ўрта мактабда политехника та'лими яхши йўлга қўйилган. Мактабда практик дарслар ўтказиш учун иккита махсус хона ажратилиб, автомобиль мотори, электр мотор, металл қирқадиган арра, болга ва бошқа асбоб-ускуналар блан етарли равишда та'минланган. 10 ва 9-нчи синф ўқучилари электромотором разбор қилиш ва йиғишни, 7 ва 8-нчи синф ўқучилари эса металлни совуқ ҳолда ишлашни ўрганмоқдалар.

А. Рафиқов.

* * *

Ўтган якшанба куни Москва районидаги Богдан Хмельницкий номли мактабнинг 6 синф ўқучилари қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши блан танишиш мақсадида Ўртасарой районидаги «Полярная Звезда» колхозига экскурсияга бордилар. Экскурсияга синф раҳбари Ф. Шарипова раҳбарлик қилди. Ўқучилар бу ерда колхоз гидроэлектростанцияси, болалар боғчаси, шоли хўжалиги, ерни тайёрлаш ва чигит экиш ишлари блан мукаммал танишдилар. Айниқса колхоз ферма мудири ўртоқ Алексей Теннинг чорва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги гапини ўқучилар зўр э'тибор блан тингладилар.

Р. Отақулов.

Қисқа сатрларда

***Сирдар'ё** районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» ва Сталин номли колхозларда янги радиоузел қуриб, ишга туширилди. Ҳозир бу колхозлардаги 500 га яқин уйга радио карнайлари ўрнатилган.

С. Худойберганов.

***Октябрь** район марказида район рабкооп ининг ташаббуси блан янги ошхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ошхона керакли инвентарьлар блан та'минланган.

Д. Содиқов.

***Оржоникидзе** районидаги Киров номли колхозда бу йил 120 ўринли болалар боғчаси қурилди, шунингдек чорва биноларн, 250 тонна силос сиғадиган цементланган ҳовуз ва 300 хонадонга хизмат қиладиган янги радиоузел қуриб битказилди.

Х. Муҳиддинов.

***Верхне-волинск** районидаги Чкалов номли мактабда темир-терсак ва қоғоз йиғиш ишн зўр уюшқоқлик блан олиб борилмоқда. Ҳозир мактабда 15403 килограмм темир-терсак йиғилган.

Қ. Маҳаматов,
П. Самбетов.

***Бўка** районида район партия ва комсомол ташкилотларининг ташаббуси блан доимий кинолекторий ташкил қилинди. Яқинда район аҳолиси ва комсомол ёшлар учун А. Абдуллаев, Х. Арслонова ва Мартененко ўртоқларнинг «КПСС XX с'езди материаллари ҳақида», «Совет ёшларининг ўртоқлиги ва дўстлиги», «Комсомол билети» деган темаларда ўқилган лекциялари мароқ блан тингланди.

А. Маҳмудов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«СССР ХАЛҚЛАРИ СПАРТАКИАДАСИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК»

Шу сарлавҳа блан газетамизнинг 10 февраль сонида босилган мақолада май ойининг охирларида Тошкентда бўладиган Ўзбекистон ССРнинг IX спартакиадасига ва Москвада бўладиган СССР халқлари спартакиадасига тайёргарлик суст бораётгани танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Березовскийнинг редакциямизга хабар қилишича, мақола Тошкент шаҳар ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинган ва унда қилинган танқид тўғри деб топилган. Тошкент шаҳар ижроия комитети олий ўқув юртларида, мактабларда, ташкилотларда, фабрика ва заводларда физкультура ҳамда спорт ишларини ривожлантиришга қаратилган махсус қарор қабул қилган.

ПОЛЬША МЕҲНАТКАШЛАРИ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 86 ЙИЛЛИГИНИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА НИШОНЛАШГА ҲОЗИРЛАНМОҚДАЛАР

ВАРШАВА, 16 апрель. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 86 йиллигини кутиб олишга ҳозирланмоқдалар. Польшада бу улуғ кун дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейин ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Совет-Польша шартномаси имзоланганлигининг 11 йиллиги блан бир вақтга тўғри келади. Бугун Польшада 19 апрельдан 26 апрельгача Ленин кунлари э'лон қилинди. Бу кунлар поляк ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни ва иттифоқни янада мустаҳкамлаш белгиси остида ўтади.

В. И. Ленин ҳаётига ва фаолиятига бағишланиб Варшава корхоналари, муассасалари ва ўқув юртларида лекциялар ҳамда докладлар ташкил қилинади. В. И. Ленин туғилган куннинг 86 йиллигига ҳамда дўстлик тўғрисида Совет-Польша шартномасининг 11 йиллигига бағишланиб пойтахтда тантанали мажлис ўтказилади.

Краковдаги В. И. Ленин музейи бирқанча махсус нашрларни босмага тайёрлади. Музей ходимлари «Икки системанинг тинчтотув яшаши тўғрисида Ленининг айтганлари» деган темада корхоналарда ва қишлоқларда доклад қилмоқдалар.

Болгария Халқ мажлисининг фавқулодда сессияси

СОФИЯ, 16 апрель. (ТАСС). Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлисининг фавқулодда бешинчи сессияси бугун ўз ишини бошлади. Сессияда Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинасининг ҳозирги вақтда Болгарияда бўлган делегацияси қатнашмоқда. Делегациянинг залда пайдо бўлишини депутатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олдилар.

Сессия қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Халқ мажлиси делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафари тўғрисида доклад.

2. Министрлар совети раисининг уни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги аризасини қараб чиқиш.

3. Министрлар совети раисини сайлаш.

4. Мандат комиссиясининг Халқ мажлисига ба'зи жойларда депутатлар сайлашнинг натижалари ҳақидаги доклади.

5. Халқ мажлиси Президиумининг фармонлари ва қарорларини тасдиқлаш.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин, мажлисда раислик қилучи Халқ мажлиси Бюросининг раиси Фердинанд Козовский Югославия парламент делегацияси а'золарини табриклаб нутқ сўзлади.

Югославия парламент делегациясининг раҳбари, Югославия Федератив Халқ Республикаси Иттифоқ халқ скупшчинасининг раиси Моша Пьяде жавоб нутқи сўзлади.

ТАССНИНГ ЛОНДОНДАГИ БЎЛИМИ БИНОСИНИ ЁНДИРМОҚЧИ БЎЛДИЛАР

ЛОНДОН, 16 апрель. (ТАСС). 15 апрель кечаси ТАССнинг Лондондаги бўлими биноси ифвогарлик мақсадида ёндирилмоқчи бўлди. Ном'алум кишилар ТАСС бўлими биносига кираётган эшикларга (ТАСС бўлими Рейтер агентлигининг биносига жойлашган) ёнилғи сепиб ўт қўйиб юборишдилар. Бошланган ёнғин тезлик блан ўчирилди.

„Бутун дун'ё учун жуда катта аҳамияти бўлган воқиа"

Н. А. БУЛГАНИН ва Н. С. ХРУШЧЕВнинг сафари тўғрисида инглиз матбуотининг ёзганлари

ЛОНДОН, 16 апрель. (ТАСС). Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг «Оржоникидзе» крейсерида Англияга жўнаб кетганлиги тўғрисидаги хабарларни инглиз газеталари кўзга кўринарли жойларда э'лон қилмоқдалар. Кўпгина газеталар совет раҳбарларининг сафарига бағишлаб редакцион мақолалар ва дипломатик обзорчиларнинг шархларини босиб чиқармоқдалар.

Обзорчиларнинг кўпчилиги Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Англияга қилаётган сафарига энг муҳим халқаро воқиаларнинг бири деб баҳо бермоқдалар.

Бирқанча обзорчилар СССР ва Англия раҳбар давлат арбобларининг бўладиган музокараларига тўхталиб, аввало, иккала мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш проблемаларини, шунингдек бошқа ба'зи халқаро масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилади, бу масалаларнинг ҳал қилиниши тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди, деб ёзмоқдалар.

Чунончи, инглиз савдо-саноат доираларининг органи бўлган «Файэншл таймс» газетаси «Россия блан савдо-сотиқ» деган сарлавҳали редакцион мақоласида Англия-Совет савдо муносабатларини кенгайтиришнинг катта аҳамияти борлигини уқтириб ёзмоқда. Шу блан бирликда газета, халқаро савдо-сотиқда сун'ий ғовлар қўйилганлиги ёки, газетанинг ўз сўзи блан айтганда, «стратегия контроли» ўрнатилганлиги Англиянинг СССР блан савдосини ривожлантирмоқ учун «жиддий тўсиқ» бўлмайди, деб исбот қилишга уринмоқда.

Инглиз матбуотининг кўпгина та'сирдор органлари, совет раҳбарларининг бу сафари инглиз ва совет халқларининг иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ва дўстлигини мустаҳкамлашга олиб келади, деб умид билдирмоқдалар.

Консерваторларнинг «Йоркшир пост» газетаси Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг сафарига бағишлаб «Катта натижалар бериши мумкин бўлган учрашув» деган сарлавҳа остида бошмақола босиб чиқарди. «Қиролича ҳазрат олийлари ҳукуматининг мақсади, — деб ёзади газета, — рус ҳукумати блан энг яхши муносабатлар ўрнатишдан иборат бўлиши лозим».

Газета совет раҳбарларининг Англияга келиши атрофида дўстлик ва яхши ният вазиятн тўғдиришга халақит беришга уринаётган инглиз доираларини ва матбуот органларини танқид қилиб, уларнинг бу уринишни «яхши ҳамжиҳатликка эришиш ҳаракатларига қарши» қаратилаётган иш, деб кўрсатиб ўтмоқда. Газета Черчилльнинг яқинда консерваторлар партиясининг арбобларига мурожаат қилиб, совет меҳмонлари «Ўзларига нисбатан илтифот ва ҳайрихоҳлик блан қаралади, деб кутишга ҳақлидирлар», «уларнинг бу сафари натижасида яхши ва анча самаралироқ муносабатлар вужудга келади» деб кутмоқ учун асос бор, деган сўзларини эслатиб ўтмоқда. «Бу сўзларга, — дейилади мақолада, — фақат юзаки илтифот ифодаси дебгина қарамаслик керак. Бу хилдаги учрашувлар халқаро муносабатларни яхшилашга олиб келиши мумкин».

Правардида газета СССР ва Англия раҳбар арбобларининг учрашувидан мақсад «тинчликни ва фаровонликни та'минлашдан» иборат бўлиши лозим, деб та'кидламоқда.

Консерваторларнинг та'сирдор газеталаридан яна бири «Бирмингам пост» газетаси ўзининг редакцион мақоласида совет раҳбарларининг Англияга қилаётган сафарига «фақат Англия учунгина эмас, шу блан бирга, бутун дун'ё учун ҳам жуда катта аҳамияти бўлган воқиадир» деб баҳо бермоқда.

Газета Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг бу сафари Англия ва Совет Иттифоқининг давлат арбоблари ўртасида «бевосита музокаралар олиб бормоқ учун қулай имкониятлар очиб беради», деб айтиб, қуйидагиларни ёзади: «Мутлақо равшандирки, бу сафар катта ижобий натижалар бериши мумкин».

ГДР жамоатчилиги Э. Тельман туғилган куннинг 70 йиллигини нишонламоқда

БЕРЛИН, 16 апрель, (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг жамоатчилиги ва барча тинчликсевар немислар Германия ишчилар синфининг содиқ фарзанди Эрнст Тельман туғилган кунга бугун 70 йил тўлганлигини кенг нишонламоқдалар.

Шу муҳим кун шарафига республиканинг шаҳарларида ва қишлоқларида турли тадбирлар — йиғилишлар, лекциялар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Кеча кечқурун Веймардаги немис миллий театрида Э. Тельман туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ўтказилди. Мажлисда ГДР ва Ғарбий Германия меҳнаткашларининг вакиллари блан биргаликда кўпгина ажнабий меҳмонлар — фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг фашизмдан озод қилинган кунга 11 йил тўлганлиги муносабати блан ГДРга келган қатнашчилари ҳам ҳозир бўлдилар.

Немис демократик матбуоти Э. Тельман туғилган куннинг 70 йиллигини кенг нишонламоқда. Газеталар унинг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида катта мақолаларни, Тельман тўғрисидаги эсдаликларни э'лон қилмоқдалар, унинг фотографияларини босмоқдалар.

«Нейес Дейчланд» газетаси бошмақоласида Э. Тельманнинг Германия меҳнаткашлари ва барча тинчликсевар кучлари олдида марксчи-ленинчи революцион партиянинг раҳбари, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун толмас курашчи, фашизмга, милитаризмга қарши курашчи сифатида қилган катта хизматларини уқтириб ўтмоқда.

Кремль тўғрисидаги фильм Англияда кўрсатилди

ЛОНДОН, 16 апрель. (ТАСС). Британия радиоэшитдириш корпорацияси кеча телевидение орқали Москва Кремли тўғрисидаги совет фильмини кўрсатди.

«Санди таймс» газетасининг Москвадаги илгариги мухбири Сирил Рэй фильмни кўрсатиш олдидан сўзлаб, Кремльдаги сан'ат ҳазиналари тўғрисида, черновлар ва саройларнинг архитектураси ҳақида гапириб берди. Қиролича Елизавета томонидан Борис Годуновга ҳад'я қилиб берилган карета ҳамда инглиз усталари томонидан қумушдан ясалиб Англиянинг турли элчилари томонидан Россияга ҳад'я қилиб берилган энг нодир буюмлар коллекцияси, деди Рэй, инглиз тамошабинлари учун айниқса қизиқарлидир. Правардида Рэй: «Кремль—Совет Иттифоқининг фахри ва шон-шуҳратидир» деди.

МЕҲНАТКАШ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПРАГА, 16 апрель. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати 1956 йил 14—17 июньда меҳнаткаш хотин-қизларнинг халқаро конференциясини чақириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати Венгрия касаба союзлари марказий кенгаши секретариатининг бу конференцияни Будапештда ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди ҳамда дун'ёдаги барча меҳнаткаш хотин-қизлар ва уларнинг касаба союз ташкилотлари номидан Венгрия меҳнаткашларига ва уларнинг касаба союзларига ишчиларнинг халқаро бирдамлиги руҳи блан суғорилган бу таклифи учун самимий ташаккур изҳор қилди.

Теҳронда Бағдод пакти доимий кенгашининг сессияси очилди

ТЕҲРОН, 16 апрель, (ТАСС). Бугун бу-ерда тушдан кейин Бағдод пакти доимий кенгашининг навбатдаги сессияси очилди. Сессияда пактда а'зо бўлган беш мамлакат: Англия, Туркия, Эрон, Ироқ ва Покистон делегациялари қатнашмоқда. Англия делегациясига мудофаа министри Уолтер Монктон, Туркия, Эрон, Ироқ ва Покистон делегацияларига мазкур мамлакатларнинг бош министрлари бошчилик қилмоқда ва бу делегациялар составида ташқи ишлар министрлари ҳамда бош штаб бошлиқлари бор.

Бағдод пакти доимий кенгашининг сессиясида 23 кишидан иборат кўпсонли Америка кузатучилари группасининг иштирок қилаётганлиги э'тиборни ўзига жалб қилмоқда. Бу группага АҚШ давлат секретари ўринбосарининг муовини Люсм Гендерсон ва Атлантик океан шарқий қисмидаги ҳамда Ўрта денгиздаги америка ҳарбий денгиз кучлари бош қўмондони адмирал Кэссэди бошчилик қилмоқда.

Сессия очилиш арафасида э'лон қилинган ахборотдан ма'лум бўлишича, Бағдод пакти доимий кенгаши экспертлар комиссияларининг докладларини муҳокама қилади, шунингдек халқаро аҳволни «бу пактда қатнашучи мамлакатларга таллуқли бўлган доирада» кўриб чиқади.

Сессиянинг биринчи мажлисидан бошқа кейинги ҳамма мажлислари ёпиқ равишда ўтади. Буерда айтишларича, сессия 19 апрельгача давом этса керак.

Исроилда мустақиллик кунининг байрам қилиниши

ТЕЛЬ-АВИВ, 16 апрель, (ТАСС). Исроилнинг мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати блан Хайфада Исроил қуролли кучлари ҳарбий қисмларининг паради бўлди. Бош министр ва мудофаа министри Бен-Гурион нутқ сўзлади.

НЕПАЛДА КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТА'ҚИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН БЕКОР ҚИЛИНДИ

ДЕХЛИ, 16 апрель. (ТАСС). Деҳли радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди. Катмандудан олинган хабарга қараганда, Непал ҳукумати мамлакатда Коммунистик партияни та'қиқлаш тўғрисидаги 1952 йилги қонунни бекор қилишга қарор берган. Бу қарор Непал бош министрининг Коммунистик партия вакиллари блан олиб борган музокараларидан кейин қабул қилинган.

Тошкентда янги меҳмонхона

...Қўзивой ака Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасидан қайтаётиб Андижонга боришдан олдин республика пойтахти Тошкентни бир айланиб кетай, деб вокзалда поездан тушди. Билетни кассадан бир кунга сурдириб олди-да, шаҳар маркази томон йўл олди. У одати бўйича дастлаб меҳмонхонага боришни ма'қул кўрди. Қайси меҳмонхонага борсам экан. «Зарафшон»гами, «Тошкент»гами, «Ўзбекистон»гами... Ёки янги қурилган катта меҳмонхонагами?.. У янги меҳмонхонага жойлашишга қат'ий қарор берди-да, Театр майдони томон йўл олди.

Қўзивой ака хушбўй хидларини таратиб ётган гулзорлар, ажойиб фонтан блан яшнаб турган Театр майдонига келиб, скамейкада ўтириб бироз дам олди. Фонтан атрофида истироҳат қилаётган кишиларга меҳр блан боқди, муздек, ороматбахш шабода таратиб отилаётган фонтаннинг вишиллашига қулоқ солди. Навоий номли театр, «Қизил Ўзбекистон». «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» газеталари Бирлашган нашриётининг хашаматли биноларига завқ блан тикилди. Кейин шу бинолар стилига мос қилиб ишланган, деворлари шарқ нақшлари блан безатилган гўзал ва улкан бир бинога қараб қолди. Янги меҳмонхона мана шу эди. У ўрнидан туриб, бор-йўқ юки биргина чемоданини кўтариб меҳмонхона томон юрди. Ҳужжатларни расмийлаштиргач, лифтга қараб йўл олди. Меҳмонхона биносидаги 4 литфдан бири кўз очиб юмгунча гиз этиб уни тўртинчи қаватга олиб чиқиб қўйди. У майдон томонга қаратилган хоналардан бирига жойлашди. Хонада ҳамма қулай шароитлар яратилган. Яхши мебеллар, телефон, нормал температура, санитария узели, ванна, радио. Буни қаранг, меҳмонхонада махсус телефон станцияси, радиоузел, хоналардаги температурани йил фасларига мослаб турадиган установкалар қурилган экан. Қўзивой ака биринчи қаватга тушиб жуда хурсанд бўлди. Бу ердаги гастроном, ресторан, банкет зали, дам олиш уйи жуда шинам, ҳартарафлама қулай қилиб ишланган эди. Подвалда эса турли хўжалик хоналари, ёрдамчи уйлар, гараж жойлашган эди.

Қўзивой ака гўзал Тошкент марказига хуснн бўлиб тушган янги меҳмонхонанинг ташқи ва ички қиёфасидан, ундаги қулайликлардан мамнун бўлиб, кечани роҳат блан ўтказди. Шу куни Тошкент меҳмонларидан 250 киши бу ажойиб бинода дам олди.

Газетхон бу бино ўрнида катта қурилиш кетаётганини кўриб Қўзивой аканинг меҳмонхонада бўлганлигига ҳозир ишонмаса ҳақли. Лекин Қўзивой акага ўхшаган юзлаб кишиларнинг 2—3 йил ичида ана шу бинода роҳат қилиб дам олиши, унинг қулайликларидан фойдаланиши табиий бир ҳол бўлиб қолади. Чунки ҳозир Театр майдони рўпарасидаги об'ектда катта қурилиш ишлари жадаллик блан бораётир.

Ўрта Осиёдаги энг катта меҳмонхоналардан бири бўладиган бу муаззам меҳмонхонанинг бешқаватли асосий биноси қурилиши янаги йили тугалланади. 1958 йилда эса меҳмонхона батамом ишга тушади. Давлатимиз бу меҳмонхона қурилишига 26 миллион сўм пул ажратди.

Янги меҳмонхона «Ташгорпроект» институти архитекторларининг проекти асосида, ўзбек ме'морлик сан'атидан кенг фойдаланилган ҳолда қурилаётир. Ҳозир қурилиш майдончаси водопроводлаштирилди. Подстанцияга электр кабели ётқизиш ишлари тугалланаётир. Қурувчилар 1 Майгача бинонинг фундаментини битказиш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Икки йил ўтмай Театр майдонида пойтахтимиз хуснига-хусн, кўркига кўрк қўшучи бешқаватли янги меҳмонхона биноси қад кўтаради.

Суратда: янги меҳмонхона проекти тузучиларидан (чапдан) архитектор **М. Ф. Кондаков**, мастерской бошлиғи ва проект авторларидан **Л. Г. Караш** ва архитектор **О. Я. Газенканф** ўртоқлар юқори қават планини муҳокама қилаётирлар.

В. Салов фотоси.

СССР халқлари спартакиадасига тайёргарликни кучайтириш керак

Бу йил ёзда Москвадаги янги қурилаётган стадионда 16 қардош республикаларнинг вакиллари СССР халқлари иккинчи спартакиадасининг байроғини кўтарадилар.

СССР халқлари спартакиадаси программасига мувофиқ енгил атлетика, спорт гимнастикаси, сузиш, футбол, баскетбол, от спорти, ҳозирги замон пятиборьеси ва бошқалар бўлиб спортнинг 21 тури бўйича мусобақалар бўлади. Спартакиадага Ўзбекистондан биринчи разрядли спортчи ёки спорт мастери нормасини бажарган 494 спортчи юборилади.

Ўзбекистон спортчилари қаётида энг катта спорт воқиаларидан бири Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон спортчиларининг 1954 йилда Тошкентда ўтказилган спартакиадаси бўлди. Бу спартакиадада Ўзбекистон спортчилари спортнинг 14 тури бўйича биринчи ўринни, бокс, сузиш ва баскетбол бўйича иккинчи ўринни эгалладилар. Ўзбекистоннинг кўпгина спортчилари яхши натижаларга эришиб, спортнинг кўпгина турлари бўйича республика рекорд даражасини оширдилар. Шундан бери бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Мамлакат биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашган айрим спортчиларимиз ўз натижаларини янада яхшиладилар. Булар орасида енгил атлетикачилардан В. Баллод, Ф. Ҳасанова, А. Халманская, О. Ряховский, Т. Сорокина, сузучилардан Т. Потапова, В. Имаков, В. Корчагин, Р. Грибкова, А. Михайлина, С. Луценко, оғир атлетикачилардан Г. Кузнецов, Г. Брушко, В. Артемьев, велосипедчилардан Р. Галеев, И. Ершов, Н. Басиров, В. Конишев ва бошқа кўпгина спортчилар бор.

Аммо айрим спортчиларнинг эришган муваффақиятлари республикамизда спортнинг кўп турлари бўйича жиддий вазият вужудга келганини яшираолмайди.

1955 йил ноябрь ойида Тбилисида енгил атлетика бўйича СССР биринчилиги учун ўтказилган мусобақада республикамиз командаси 18 команда ўртасида 12-нчи ўринни эгаллади.

1955 йил спорт мавсумининг натижалари республикамиз спортчилари ва командалари техника ва тактика жиҳатидан бошқа иттифоқчи республикаларнинг спортчиларидан орқада эканликларини кўрсатади.

1955 йилда 250 биринчи разрядли спортчи ва 5 спорт мастери етиштирилган. Биринчи разрядлилардан 200 кишига яқини СССР халқлари спартакиадаси программасига кирган спорт турлари бўйича ихтисослашгандир.

Республикамиз спортчиларининг спорт маҳоратлари такомиллашмаётганлигининг асосий сабаби спорт ишларининг ҳали ҳам оммавий тус олмаганлигидир. Спорт жамиятларининг раҳбарлари тренерлар диққатини спорт секцияларига ёшларни кўпроқ жалб қилмаётирлар, физкультура коллективлари ўртасида мусобақалар ўтказиб турмаётирлар. Шунинг натижасида кўпгина ёшлар мусобақага қатнашаолмаётирлар. Бу шунга олиб келдики, йирик спорт жамиятларидан бири ҳисобланган «Спартак» жамиятида кўп йиллардан бери волейбол ва баскетбол командалари тузиш имконияти бўлмаётир, енгил атлетикачилар сони борган сари камайиб кетаётир.

1955 йилда ўтказилган «Динамо» (жамият раисининг ўринбосари ўртоқ Сотников), «Меҳнат резервлари» (жамият раиси ўртоқ Монжосов) ва «Спартак» (жамият раиси ўртоқ Саакянц) жамиятларининг спорт ташкилотлари ўртасида ўтказилган спартакиада техника жиҳатидан жуда паст савияда ўтди. Спартакиада қатнашчиларининг кўпчилиги ҳатто учинчи разряд нормаларини ҳам бажараолмади. Бундай вазиятнинг вужудга келишига шу нарса сабаб бўлдики, спорт тадбирларининг календарь плани пухта тузилмаганлиги учун бу жамиятлар биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларга фақат область ва шаҳар терма командаларигина қатнашди. Бу командалар учрашишидан илгари физкультура коллективлари ўртасида мусобақалар ўтказилмади.

Спорт жамиятларининг раҳбарлари иш услубини тубдан ўзгартиришлари, ёшларнинг кенг оммасини спорт машғулотларига жалб қилишлари, физкультура коллективлари ўртасида тез-тез мусобақалар ўтказиб туришлари керак. Шунга эришиш керакки, ҳарбир спортчи бир йил мобайнида энг камида 15 марта мусобақага қатнашсин.

Старший тренерлар, республика терма командасини СССР халқлари спартакиадасига тайёрлаётган тренерлар ўз ишларини тезда қайта қуриб олишлари ва спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида э'тибор беришлари керак. Совет Иттифоқидаги энг яхши тренерларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, спортчилар ва командаларнинг хилма-хил тактика ва техникани ўрганишларига эришиш керак. Республика терма командасидаги спортчилар ҳафтада 6 марта тренировка ўтказсинлар ва якшанба кунлари мусобақалашсинлар. Ўқув-тренировка соатларини кўпайтириш зарур.

Республикамизда ёшларнинг иккинчи терма командасини ташкил этиш керак. Бу команда республиканинг асосий терма командасини тўлдириб туриш учун ишончли резерв бўлади. Ҳозир тренерлар ва спортчилар олдида йил бўйи тинмай ўқув-тренировка ишларини олиб бориш, тез-тез мусобақа ўтказиш вазифаси туради.

Спорт базалари спортчиларнинг маҳоратини оширишда катта роль ўйнаши керак. Ма'лумки, ўқув-тренировка ва мусобақалар учун яхши тайёрланган жойларнинг бўлиши, зарур инвентар ва ускуналарнинг тахт қилиб қўйилиши спортчиларнинг яхши натижаларга эришишига ёрдам беради. Аммо спорт жамиятлари ва базаларининг раҳбарлари спортчиларнинг яхши натижаларга эришиши ҳақида ғамхўрлик қилмаётирлар. «Спартак», «Динамо» ва «Буревестник» стадионлари ҳам мусобақаларни ўтказишга яхши тайёрланмаган. Шуни айтиш керакки, спорт жамиятларининг раҳбарлари ўқув-тренировка ишларини ўтказишга айниқса ёмон тайёргарлик кўрадилар. Базаларни ижарага олган коллективларнинг раҳбарлари спорт инвентарларини олишда катта қийинчиликларга учрайдилар. Бу жиҳатдан «Спартак» стадионида айниқса аҳвол ёмон. Совет Иттифоқида физкультура ҳаракати ҳаваскорлар ташаббусига асосланган. Шунинг учун барча спорт базаларининг эшигини спорт блан шуғулланишни истовчи омма учун кенг очиб қўйиш керак.

Спорт базаларидаги нома'қулчиликларга чек қўйиш зарур. Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг спорт базаси бирнеча йилдан бери ёмон аҳволга тушиб қолган. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети 1955 йил 6 майдаги қарорида комбинат директори ўртоқ Комков зиммасига 15 июльдан бошлаб стадионни реконструкция қилишга киришиш ва ноябрь ойигача бассейнни йил бўйи ишлайдиган қилиб жиҳозлаш вазифасини юклаган эди. Ўртоқ Комковнинг берган барча ва'далари бажарилмай қолди. Стадион реконструкция қилинмади, бассейнни ускуналашга эса киришилгани ҳам йўқ. Шунинг натижасида республикамиздаги энг йирик физкультура коллективларидан бири базасиз қолди ва тўқимачилик комбинатида физкультура ишлари секин-аста барбод бўлмоқда.

Тошкент темир йўл бошқармаси, Узпромсовет, озиқ-овқат товарлари саноати министрлиги ва гўшт-сут маҳсулотлари саноати министрлиги ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг спорт базаларини реконструкция қилиш ва қуриш ҳақидаги қарорини бажармаётирлар. Шунинг ўзи кўпгина раҳбар ходимларнинг физкультура ишига мутлақо э'тибор бермаётганликларини яққол кўрсатади.

СССР халқлари спартакиадаси яқинлашиб келмоқда. Спорт жамиятлари ва базаларининг раҳбарлари, олий ўқув юртларидаги жисмоний тарбия кафедраларининг мудирлари, тренерлар, физкультура ва спорт бўйича барча ходимлар физкультура коллективларида спорт ишларига оммавий тус бериш учун зўр ғайрат блан ишлашлари керак. Шундагина спорт маҳорати даражасини ошириш, Ўзбекистон республикасининг СССР халқларининг спартакиадасига қатнашадиган терма командасини пухта тайёрлаш мумкин.

А. БЕРЕЗОВСКИЙ.

ЗООЛОГ БЛОКНОТИДАН

Бойқуш

Ўзбекистон территориясида яшайдиган йиртқич қушлар турқумидан бири бойқуш (бойўғли)дир. Бойқушлар кундузи турли кавакларда, деворларнинг орасида одамга яқин ерларда яшайдилар.

Бойқушлар кечаси техника ўсимликларига зарар етказадиган турли ҳашаротлар ва кемиручи ҳайвонлар блан овқатланиб, экинзорларни шу зараркунандалардан сақлайдилар. Бойқушлар эрта баҳорда тўртдан етти донагача тухум қўядилар. Тухумдан чиққан болаларини боқиш учун овқатни жуда кўп исте'мол этадилар. Шунинг учун ҳам далаларда, айниқса пахта ва ғалла учун катта зарар етказадиган каламуш, сичқон, кўркаламуш ва турли ҳашаротларни қириб, улардан ҳосилни сақлашда бизга ёрдам берадилар. Агар битта бойқуш бир йилда 100 дона каламушни йўқотадиган бўлса, шу каламушларнинг ҳарбиридан 1 йилда келадиган зарар — 10 килограмм дон, ёки ўрта ҳисобда бир килограмм пахтага тенг бўлса, 100 та бойқуш бир йилда 10 минг килограмм донни, минг килограмм пахтани сақлаб қолаолади.

Афсуски, жуда кўп кишилар бойқуш ҳақида шу кунга қадар бўлмағур афсоналарни тўқиб келадилар. Аслида эса, бойқуш қишлоқ хўжалигимизда энг фойдали қушлардан ҳисобланади. Бойқушлар тунда пахтазор ва экинзорларни қириқлайдилар. Уларнинг кўриш қобилияти жуда ўткир бўлиб, улар ҳатто 200 метр нарида шитирлаган баргни ҳам кўраоладилар ва у ердаги кўркаламуш ёки сичқонни усталик блан тутиб еийдилар.

Бойқуш жуда фойдали қушлар.

Р. СОЛИХОВ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да **Қутлуғ қон**, 19/IV да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да **Чио-Чио-Сан**, 19/IV да **Ромео ва Жульетта**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да **Нурхон**, 19/IV да **Сурмахон**.

БУГУН КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9, 11, кундуз 1 ва 3 да), «ИСКРА» (кеч соат 5 ва 5 яримда), «РОДИНА» (кеч соат 7 да) — янги ҳужжатли фильм **Владимир Ильич Ленин**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Мексикали**.

«ВАТАН» — **Водида олишув**.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун янги югослав бадиий фильми **Хазон қилинган умрлар**, 3-нчи залда кундуз соат 4—20 минутда **Деҳлидаги саноат виставкасида**.

«ИСКРА» (ёзги) — **Румянцевнинг иши**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ЯНГИ АТТРАКЦИОН — УССУРИЯ ВА БЕНГАЛИЯ

ЙЎЛБАРСЛАРИ

Ўргатучи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Н. Александров**.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

Оржоникидзе район, Сталин қишлоқ советидаги Байтқўрғон қишлоғида туруччи **Мукамбар Иногомова-Одиловнинг** Тошкент шаҳар, Қоратош кўча, Жарчи проезд, 9-нчи уйда туруччи Комил Одиловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 013716. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1417.